

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЛОГОПСИХОЛОГИЯ МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В-У С Л У Б И Й М А Ж М У А

**Касбий қайта тайёрлаш
йўналиши:**

Тингловчилар контингенти:

**мактабгача таълим муассасалари
дефектологлари (логопед)**

**олий таълим муассасаларини
мактабгача таълим, бошланғич
таълим, филология, психология
таълим йўналишларини битирган
мутахассислар**

Тошкент – 2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЛОГОПСИХОЛОГИЯ
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

Ў Қ У В-У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2018

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 25 январдаги 1-қ/қ, 11-қ/қ сонли қўшма қарори билан тасдиқланган ўқув режа асосида тайёрланди.

Тузувчилар:

Ш.М.Амирсайдова Низомий номидаги ТДПУ Коррекцион педагогика кафедраси доценти в.б., педагогика фанлари номзоди.

Н.Абидова Низомий номидаги ТДПУ Коррекцион педагогика кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчи:

Л.Р.Муминова РБИММ директор ўринбосари, п.ф.д., проф.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	3-8
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.	9-16
III. Назарий материаллар	16-62
IV. Амалий машғулот материаллари	62-74
V. Кейслар банки	74-85
VI. Мустақил таълим мавзулари.....	86-87
VII. Глоссарий	87-94
VIII. Адабиётлар рўйхати	95-97

ИШЧИ ДАСТУР

І. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тарғибот, жамиятда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

“Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунлари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сонли “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, янги шароитлардан келиб чиққан ҳолда, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, мактабгача таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳамда педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тақозо этилади.

Логопсихология модулининг ишчи ўқув дастури мактабгача таълим муассасалари дефектологларини (логопедларни) қайта тайёрлаш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, тинловчилар – мактабгача таълим муассасалари ходимларига логопсихология фанининг долзарб масалалари, мазмун ва моҳиятини очиқ беришни назарда тутди.

Логопсихология курсининг асосий мақсади ва вазифаси курс тингловчиларига нутқида камчилиги бўлган болалар руҳиятининг ўзига хос хусусиятлари, руҳий жараёнларни ўрганувчи психологик тест, усул, услубиятлар ҳақида билимлар бериш, малака ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Берилган бу билим ва тушунчалар, биринчидан, нутқида камчилиги бўлган болаларнинг шахсий хусусиятлари ҳақида тасаввурларни бойитса, иккинчидан, тингловчиларнинг бу соҳага оид дунёқараши ва эътиқодини шакллантиришга катта ҳисса қўшади

Бу курсни ўрганиш натижасида курс тингловчилари қуйидаги **билим, малака** ва **кўникмаларни** эгаллаши лозим:

- нутқида камчилиги бўлган болалар билиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари;

- руҳий жараёнларни текшириш услубларини билиш;
- услубиятлар асосида болалар руҳий жараёнлари камчиликларини аниқлай билиш;
- нутқида камчилиги бўлган болаларнинг шахсий сифатларини таққослаш;
- ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўллаш билиш.

Ушбу курсни ўқишда умумий психология, болалар психологияси, ўсмирлар психологияси, умумий педагогика, махсус педагогика, логопедия фанларидан олинган билимларга асосланилади.

Логопсихология курсида жадваллар, руҳий жараёнларни текшириш услубиятлари мужассамлашган альбом, техник воситалардан фойдаланилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади – тингловчиларда нутқида камчилиги бўлган болаларнинг билиш жараёнлари хусусиятлари, бундай болалар шахсининг турли фаолиятда ривожланиш хусусиятлари, руҳий жараёнларни турли усул ва услубиятлар асосида текшириш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ривожлантириш.

Модулнинг вазифалари:

- тингловчиларда мактабгача таълимда замонавий логопедик ёрдамни амалга ошириш учун зарур психологик билимларни шакллантириш, кўникмаларни таркиб топтириш;
- тингловчиларни логопсихология назарияси ҳамда унинг усулларини амалиётда қўллашга ўргатишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

Логопсихология ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **тингловчи:**

- логопсихология умумий психологиянинг таркибий қисми экани; руҳий ва жисмоний нуқсони бўлган болаларнинг билиш жараёнлари хусусиятлари; руҳий ва жисмоний нуқсони бўлган болалар шахсининг турли фаолиятда ривожланиш хусусиятлари; ривожланишда нуқсони бўлган болаларнинг билиш жараёнлари, фаолиятининг хусусиятларини *билиши*;

- нутқида камчилиги бўлган болалар шахсининг сифатларини ўрганиш ва уларга психологик-педагогик тавсифнома тузиш; ривожланишда нуқсони бўлган болаларга дифференциал ёндашиш; ривожланишда нуқсони бўлган болаларнинг психик жараёнларини ўрганишнинг шакл ва методларини тўғри танлай олиш; ривожланишда нуқсони бўлган болалар билан мулоқот ўрната олиш *кўникмасига*;

- нутқида камчилиги бўлган болаларни таълим жараёнида коррекциялаш *малакаларига эга бўлиши*;

- мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларига қўйиладиган педагогик талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш;

- машғулотларда тарбияланувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;

- тарбияланувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва касбга йўналтириш **компетенцияларини эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Мактабгача таълимда замонавий ёндашувлар **модули** назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий дарс-машғулотларида мактабгача таълимга оид илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар ва инновацион технологиялар ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда якка, фронтал машғулотларга қўйилган педагогик талаблар ўргатилади.

Машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги махсус психология, логопедия, нутқида камчилиги бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси, логопедик ўйин, логопедик ритмика ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модулда махсус педагогика, махсус психология, логопедия, нутқида камчилиги бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси, логопедик ўйин, логопедик ритмика ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда ўрганилган мазмун йўналишлари ва услубий жиҳатларини мактабгача таълимга татбиқ этиш имкониятлари очиб берилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларни мактабгача таълимда замонавий психологик ёндашувлар ва инновацияларни ўргатиш ҳамда амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

1.1. Логопсихология

№	Фан мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламаси	Жумладан			Мустақил таълим
				назарий	амалий	кўчма машғулот	
1	Логопсихология курсининг предмети, мақсад ва вазифалари	4	4	2	2	-	-
2	Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг тавсифномаси	4	4	2	2	-	-
3	Нутқида камчилиги бўлган болалар диққатининг хусусиятлари	4	4	2	2	-	-
4	Нутқида камчилиги бўлган болалар идрокиннинг хусусиятлари	4	4	2	2	-	-
5	Нутқида камчилиги бўлган болалар мнестик фаолиятининг хусусиятлари	6	4	2	2	-	2
6	Нутқида камчилиги бўлган болалар тафаккурининг хусусиятлари	6	4	2	2	-	2
7	Нутқий камчиликларнинг турли шаклларида мулоқотнинг ўзига хослиги	4	2	-	2	-	2
8	Нутқида камчилиги бўлган болалар билан олиб бориладиган психокоррекцион ишлар	6	4	2	2	-	2
9	Нутқида бузилишлар бўлган болалар шахси ва шахслараро муносабати хусусиятлари	4	2	2	2	-	2
10	Нутқида камчилиги бўлган болалар моторикасининг хусусиятлари	6	4	-	2	-	2

11	Мактабгача таълим муассасаларида дефектолог (логопед) нинг иш хужжатларини ўрганиш	2	2	-	-	2	-
12	Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини кузатиш	2	2	-	-	2	-
Жами:		52	40	16	20	4	12

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Логопсихология курсининг предмети, мақсад ва вазифалари (2 соат маъруза)

Логопсихология предмети ва ривожланиши ҳақида қисқача маълумот «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Миллий кадрлар тайёрлаш дастури», Ўзбекистон Республикаси қонунларининг методологик асоси. Шарқ мутафаккирларининг психологияга оид фикрлари. Логопсихология фанининг методлари, тамойиллари. Логопсихология фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

2-мавзу. Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг тавсифномаси (2 соат маъруза)

Ривожланишнинг умумий қонуниятлари, ривожланиш давлари, ривожланиш жараёнида руҳиятдаги миқдор ва сифат ўзгаришлари, ривожланишнинг турли босқичларида фаолиятнинг турлича бўлиши. Билиш ва ҳиссий-иродавий соҳаларнинг ривожланишдаги боғлиқлик. Нуқсонли ривожланишнинг умумий қонуниятлари: бирламчи ва иккиламчи нуқсонлар. Нутқ нуқсонларининг тавсифномаси (клиник, психологик ва педагогик). нутқида камчилиги бўлган болалар руҳиятини билиш, ҳиссий-иродавий соҳаларини ривожлантиришда асосий муаммолар. Турли нутқий камчиликларга эга болаларнинг ижтимоий мослашишидаги нутқ бузилиши (товуш талаффузи, нутқнинг темп-ритм раволиги, ўқиш ва ёзма нутқ камчиликлари, сабаблари).

3-мавзу. Нутқида камчилиги бўлган болалар диққатининг хусусиятлари (2 соат маъруза)

Диққат тушунчаси, турлари, хусусиятлари (ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққат: ҳажми, бўлинувчанлиги, турғунлиги). Диққат хусусиятларининг миқдор ва сифат тавсифномаси.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларнинг, овоз бузилишларида, системали нутқ камчиликларида, дудуқланишда, ўқиш ва ёзма нутқ камчиликларида диққат хусусиятлари.

4-мавзу. Нутқида камчилиги бўлган болалар гидрокининг хусусиятлари (2 соат маъруза)

Идрок ҳақида умумий тушунча (турлари, хусусиятлари). Идрок – реал борлиқни, образларни умумлашган ва дифференциялашган шаклланиш асоси сифатида. Идрок нутқни шаклланишида бирламчи асос сифатида. Товуш талаффузи камчиликларига эга болалар идроки хусусиятлари (оптик-фазовий, акустик идроки, тактил идроки, кўрув идроки). Системали нутқ нуқсонларига эга болалар идроки хусусияти (кўрув, акустик, тактил идрок). Ўқиш ва ёзма нутқ нуқсонларига эга болалар идроки хусусиятлари (кўрув, акустик, тактил идрок). Дудукланувчи болалар идроки хусусиятлари (фаоллик, идрок ҳажми, доираси).

5-мавзу. Нутқда камчилиги бўлган болалармнестик фаолияти хусусиятлари (2 соат маъруза)

Хотира ҳақида умумий тушунча (турлари ва асосий хусусиятлари). Хотира камчиликлари типлари. Товуш талаффузи камчиликлари, системали нутқ бузилишларида, ўқиш ва ёзма нутқ камчиликларида мнестик фаолиятнинг хусусиятлари. Нутқда камчилиги бўлган болаларнинг хотирасини ўрганиш услубиятлари.

6-мавзу. Нутқда камчилиги бўлган болалар тафаккурининг хусусиятлари (2 соат маъруза)

Тафаккур тушунчаси, операциялари, турлари ва шакллари. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар тафаккури хусусиятлари (кўргазмали-ҳаракат, кўргазмали-образ, сўз-мантиқ тафаккури). Системали нутқ бузилишларида тафаккур хусусиятлари (кўргазмали-ҳаракат, кўргазмали-образ, сўз-мантиқ тафаккури). Ўқиш ва ёзма нутқ нуқсонларида тафаккур хусусиятлари (кўргазмали-ҳаракат, кўргазмали-образ, сўз-мантиқ тафаккури). Нутқ ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлиги.

7-мавзу. Нутқда камчилиги бўлган болалар билан олиб бориладиган психокоррекцион ишлар (2 соат маъруза)

Нутқда камчилиги бўлган болалар билан олиб бориладиган психокоррекцион ишларнинг мақсад ва вазифалари. Психологик коррекцияга таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар. Психологик коррекция моделлари. Психологик коррекция усуллари.

8-мавзу. Нутқ бузилишларига эга болалар шахси ва шахслараро муносабатининг хусусиятлари (2 соат маъруза)

Шахс ҳақида умумий тушунча, характер, қобилият, темперамент, хулқ фаолияти. Товуш талаффузида камчиликлари бўлган болалар шахси ва шахслараро муносабатининг хусусиятлари.

Нутқнинг темп-ритм равлонлигида камчиликлар кузатилган болалар шахси ва шахслараро муносабатлар хусусиятлари. Ўқиш ва ёзма нутқ нуқсонларига эга болалар шахси ва шахслараро муносабатининг хусусиятлари. Нутқ бузилишларида шахс ва шахслараро муносабат хусусиятлари. Шахс ҳақида умумий тушунча.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Логопсихология курсининг предмети, мақсад ва вазифалари (2 соат)

Логопсихология фанининг замонавий ривожланиш босқичи. Нутқ нуқсонларини психологик механизмларга кўра (Р.Е.Левина, А.Р.Лурия) таснифлаш.

Логопсихология предмети ва ривожланиши ҳақида қисқача маълумот. Логопсихология фанининг методлари, тамойиллари. Логопсихологиянинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

2-мавзу. Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг тавсифномаси (2 соат)

Нуқсонли ривожланишнинг умумий қонуниятлари: бирламчи ва иккиламчи нуқсонлар. Нутқ нуқсонларининг (клиник, психологик ва педагогик) тавсифси. Нутқида камчилиги бўлган болалар руҳиятини билиш, ҳиссий-иродавий соҳани ривожлантиришдаги асосий муаммолар. Нутқида турли камчилиги бўлган болаларнинг нутқ бузилиши (товуш талаффузи, нутқнинг темп-ритм равиолиги, ўқиш ва ёзма нутқ камчиликлари, сабаблари).

3-мавзу. Нутқида камчилиги бўлган болалар диққатининг хусусиятлари (2 соат)

Диққат тушунчаси, турлари, хусусиятлари (ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққат: ҳажми, бўлинувчанлиги, турғунлиги). Диққат хусусиятларини миқдор ва сифат тавсифномаси. Нутқ нуқсонликларида диққат хусусиятлари.

4-мавзу. Нутқида камчилиги бўлган болалар идрокининг хусусиятлари (2 соат)

Идрок ҳақида умумий тушунча (турлари, хусусиятлари). Идрок реал борлиқ, образларнинг умумлашган ва дифференциялашган шаклланиш асоси сифатида. Идрок нутқнинг шаклланишида бирламчи асос сифатида. Нутқида камчилиги бўлган болалар идрокининг хусусиятларини (фаоллик, идрок ҳажми, доираси) ўрганиш усуллари.

5-мавзу. Нутқида камчилиги бўлган болалар мнестик фаолиятининг хусусиятлари (2 соат)

Хотира ҳақида умумий тушунча (турлари ва асосий хусусиятлари). Хотира камчиликлари типлари. Товуш талаффузи камчиликлари, системали нутқ бузилишларида, ўқиш ва ёзма нутқ камчиликларида мнестик фаолиятнинг

хусусиятлари. Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг хотирасини ўрганиш услубиятлари.

6-мавзу. Нутқида нуқсони бўлган болалар тафаккур хусусиятлари (2 соат)

Тафаккур тушунчаси, операциялари, турлари ва шакллари. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар тафаккури хусусиятлари (кўргазмали-ҳаракат, кўргазмали-образ, сўз-мантиқ тафаккури). Системали нутқ бузилишларида тафаккур хусусиятлари (кўргазмали – ҳаракат, кўргазмали-образ, сўз-мантиқ тафаккури). Ўқиш ва ёзма нутқ нуқсонларида тафаккур хусусиятлари (кўргазмали-ҳаракат, кўргазмали-образ, сўз-мантиқ тафаккури). Нутқ ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлиги.

7-мавзу. Нутқ камчиликларининг турли шаклларида мулоқотнинг ўзига хослиги (2 соат)

Мулоқотнинг психологик таркиби. Мулоқотнинг перцептив, интерактив, коммуникатив томонлари. Нутқида нуқсони бўлган шахслар мулоқотининг ривожланиши. Мулоқотнинг вазиятли-шахсий, вазиятли-хизматга алоқадор, вазиятдан ташқари-билиш, вазиятдан ташқари-шахсий шаклларининг хусусиятлари. нутқида камчилиги бўлган болаларда мулоқот (лингвистик, паралингвистик, экстралингвистик) воситалари ва уларнинг ривожланиши. нутқида камчилиги бўлган болалар мулоқот жараёнининг ўйин фаолиятига таъсири.

8-мавзу. Нутқида камчилиги бўлган болалар эга болалар билан олиб бориладиган психокоррекцион ишлар (2 соат)

Нутқида камчилиги бўлган болалар билан олиб бориладиган психокоррекцион ишларнинг мақсад ва вазифалари. Психологик коррекцияга таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар. Психологик коррекция моделлари. Психологик коррекция усуллари.

9-мавзу. Нутқ бузилишларига эга болалар шахси ва шахслараро муносабати хусусиятлари (2 соат)

Шахс ҳақида умумий тушунча, характер, қобилият, темперамент, ҳулқ фаолияти. Товуш талаффузида камчиликларга эга болалар шахси ва шахслараро муносабати хусусиятлари.

Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг шахси ва шахслараро муносабатлари хусусиятлари. Шахс ҳақида умумий тушунча.

10-мавзу. Нутқида камчилиги бўлган болалар моторикасининг хусусиятлари ҳақида тушунча (2 соат)

Моторика ҳақида умумий тушунча. Нутқ бузилишларида моторика хусусиятлари. Нутқида камчилиги бўлган болалар моторика бузилишларининг

диагностикаси, умумий, майда, артикуляцион моторикани ривожлантириш йўллари.

Сайёр машғулот (4 соат)

1. Сайёр машғулот логопсихология модули доирасида, талаб даражасидаги моддий-техник базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибага эга мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилади. Мактабгача таълим муассасаларида дефектолог (логопед) нинг иш хужжатларини ўрганиш.

2. Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини кузатиш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Фанга оид ўрганилган материаллар асосида “Логопсихологиянинг долзарб масалалари” мавзусида мустақил иш бажарилади. Унинг асосида малака ишининг кириш қисми тайёрланади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маъруза машғулоти (маълумотларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (таълим соҳасидаги ислохотлар бўйича таклиф бериш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (мактабгача таълим тизими ривож бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).


МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарс-машғулотдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуктаи назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлиниши мумкин.

3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришади.

4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.

5. Кичик гуруҳлар тақдимот қилади.

6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобат пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

«АҚЛИЙ ХУЖУМ» МЕТОДИ - мавзуга таалукли кўп фикрларни бошланишида танқид қилмасдан, эркин ҳолда ишлаб чиқиш жараёни. «Ақлий ҳужум» методининг ишлатилиши хилма – хилдир.

«Ақлий ҳужум» методининг асосий вазифаси: ғояларни тўплаш учун кичик гуруҳларнинг кучидан фойдаланиш (кичик гуруҳнинг умумий кучи гуруҳ иштирокчиларининг кучлари йиғиндисидан кўпроқдир). Ақлий ҳужум муаммони ечиш билан банд бўлган одамларни кўпроқ ғояларни таклиф этишга (улар ичида мислсиз ва ғаройиблари ҳам бўлиши мумкин) ундайди. Ушбу стратегиянинг асосий тамойили: қанча кўп ғоя таклиф этилса, битта бўлса ҳам, ғоя тўғри бўлиши эҳтимоли шунча кўпроқ.

Ақлий ҳужумни унумли ўтказиш қадамлари:

1. Иштирокчиларни эркин ҳолда ўтказинг.
2. Ғояларни ёзиш учун қоғоз тайёрланг.
3. Ақлий ҳужум иштирокчиларига муаммони етказинг.
4. Ишлаш қоидаларини аниқланг:
 - а) ғояларни таклиф қилиш жараёнида улар баҳоланмайди;
 - б) эркин фикрлаш;
 - с) ғоялар қанчалик кўп бўлса, шунчалик яхши;
 - д) бошқалар фикрини «ушлаб олиб» уларни ривожлантиринг (уларни бирлаштириш, ўзгартириш ва хоказо орқали янгиларини ўйлаб топинг);
5. Таклиф этилган ғояларни тезда қоғозга ёзиб боринг.
6. Ёзаётган варағингиз тўлиши билан уни деворга осинг.
7. Янги ғояларни рағбатлантиринг ва ўз фикрингизни қўшиб боринг.

8. Бошқаларнинг ғоялари устидан кулишга, танқидий изохлашга, киноялар қилишга йўл қўйманг.

9. Иложи борича ғоялар кўпроқ бўлмагунга қадар, давом эттираверинг.

Ўқув жараёнида ақлий ҳужум маърузаларда – якка ва жуфтликда, амалий машғулотларда – кичик гуруҳларда (4-7 киши), тўлиқ ўқув гуруҳида ишлатилиши мумкин. Машғулот вақтида “Ақлий ҳужум” методи тингловчиларни фаоллаштиришга, чарчокни бартараф этишга, барчани ғоялар қидириш жараёнига жалб этишга имконият беради.

“ИНСЕРТ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади. Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- педагог машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёниш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар.

Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар:

1-матн, 2-матн, 3-матн.

“В” – таниш маълумот.

“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.

“+” бу маълумот мен учун янгилик.

“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршман

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар педагог томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“ДАВРА СУҲБАТИ” МЕТОДИ - айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-

мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига қоғоз конверт берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси” га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси” га ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади.

Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. “Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.

3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари” тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари” га ўз исми-шарифини ёзади.

4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси” га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари” дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари” ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади. Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта олади. Бундан ташқари, ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - маълум бир мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.


Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага

жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидасига (қўлини кўтариб, рухсат олгандан сўнг сўзлаш) риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр - ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.

3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“КЕЙС-СТАДИ” МЕТОДИ. «Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case»

– аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Логопсихология курсининг предмети, мақсад ва вазифалари (2 соат)

Режа

1. Логопсихология фанининг предмети, мақсад ва вазифалари
2. Логопсихология фанининг ривожланиш тарихи
3. Логопсихология фанининг бошқа фанлар билан алоқаси

1. Логопсихология фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

Логопсихология махсус психологиянинг бир бўлими бўлиб, нутқ нуқсони мавжуд болалар руҳияти ва бу нуқсонни психокоррекцияси жараёни тамойилларида, коррекцион-тарбия жараёнида ҳисобга олиниши кўзда тутилган шахс сифат ва хусусиятларининг ўзига хослиги кузатилади.

Логопсихология махсус психологиянинг асосий таркибий қисми сифатида логопедия ва психологиянинг замонавий ютуқлари асосида такомиллашиб бормоқда.

Логопсихологиянинг коммуникатив концепцияга ўтиши нутқий фаолиятнинг паралингвистик воситаларини (интонация, темп, модуляция, фонация), мулоқотнинг компоненти (мимика, имо-ишора, тўғридан-тўғри сенсор ва жисмоний контактлар), коммуникация жараёнининг турли шакллари чуккур ва пухта ўрганиш, тадқиқ этиш имкониятини беради.

Бу таҳлил инсонлар муносабатининг психологик ва ижтимоий-психологик даражасига таъсир кўрсатади.

Логопсихология фани махсус психологиянинг янги тармоғи ҳисобланади. нутқида камчилиги бўлган болалар психик ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи бир қатор маълумотлар йиғилди. Нутқ нуқсонини ўрганувчи олимлар Л.Р.Мўминова, М.Ю.Аюпова, Х.М.Пўлатова, Д.А.Нуркелдиева, М.П.Хамидова ва бошқалар ўз диққатларини нутқ нуқсонларининг механизмлари сабаблари, аломатлари ва бартараф этиш усулларининг илмий-методик асосларини яратишган. Нутқида нуқсони бўлган болалар психик ривожланишини ўрганишга эса кам аҳамият берганлар. Нутқида нуқсони бўлган болалар руҳий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, турлича нутқ бузилишлари бўлган болалар билан коррекцион-логопедик ишларни олиб бориш давомида ҳар бир нутқ камчиликларига айнан ўзигагина хос бўлган руҳий жараёнларни ва хусусиятларни ўрганиш логопсихология фанининг асосий мақсадидир. Логопсихологиянинг объекти – туғма ёки орттирилган нутқида нуқсони бўлган болалар.

Логопсихологиянинг вазифалари:

- нутқида турли нуқсони бўлган шахсларнинг психик ривожланиш хусусиятларини ўрганиш;
- нутқида нуқсони бўлган болаларнинг билиш фаолиятидаги камчиликларни коррекциялаш, бартараф этиш;
- нутқ нуқсонларининг дифференциал диагностик методларини ишлаб чиқиш;

- нутқ нуқсонларида ҳиссий-иродавий соҳаси ва шахслараро муносабатлардаги камчиликларни бартараф этиш методларини ишлаб чиқиш;
- нутқ нуқсонига эга шахсларнинг билиш фаолиятидаги ва ҳиссий-иродавий соҳасидаги камчиликларини олдини олиш учун мўлжалланган тадбирларни ишлаб чиқиш.

Нутқ бузилишлари билан физиологлар, невропатологлар, логопед, психолог ва лингвистлар шуғулланадилар.

Л.С.Виготский фикрича, нутқий фаолиятни физиологик жараён сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Коммуникатив назариянинг нуқтаи назаридан эса нутқ бузилиши – вербал коммуникациянинг бузилишидир.

Логопсихологияда коммуникацияга тизимли ёндошув қуйидагиларга мосланади:

- коммуникатив тизимнинг функцияси назариясига;
- коммуникатив фаолият таҳлили назариясига;
- коммуникатив назария қобилиятларини ривожлантиришнинг тизимли-генетик назариясига.

Бу назариялар қуйидаги тамойилларга асосланади:

- мулоқот жараёнининг ижтимоий-психологик адаптацияси, коммуникатив жараённи ўтказишни тизимли ташкил этиш;
- коммуникатив фаолиятнинг юқори даражаси, нутқий-фикрлаш жараёнларининг функционал бутунлиги, коммуникация жараёнида тизимлараро муносабатлар;
- коммуникатив тизим, коммуникатив қобилият тизими генезиси мулоқотнинг индивидуал услублари дифференцияси;
- логопсихология фанига боғлиқ ҳолда шарт-шароитларнинг мавжуд бўлиши;
- нутқий бузилишларни бир қатор текширишлари учун психодиагностик тизим;
- нутқий бузилишлар реабилитацияси учун психокоррекцион технологияларни яратиш, мулоқотнинг эмоционал, нутқий экспрессив, коммуникатив, ижтимоий адаптациясини ривожлантириш;
- ривожланишда нуқсони мавжуд болаларни ривожланишининг турли босқичларида психологик-педагогик тизим таъсирини, нуқсон сенсор концепциясини, иккиламчи нуқсонларнинг профилактикасини амалга ошириш.

2. Логопсихология фанининг ривожланиш тарихи

Қадимги Рим педагоги М.Ф.Квинтилиан ўзини “нотик тарбияловчи” киши деб ҳисобланганлиги учун ҳам боланинг нутқини ўзгаришига, нутқда учрайдиган нуқсонларга катта эътибор берди.

У болаларнинг нутқи ёшлик чоғиданоқ соф бўлиши учун курашди ва шу сабабли болаларни уйда тарбияламоқ учун олинадиган энага ва мураббийларнинг талаффузи яхши бўлиши керак, деб ўқтиради. Шунингдек, Квинтилиан мусикий таълим бериш масаласига ҳам боланинг нутқини яхшилаш нуқтаи назаридан қаради. Мусиқа ва тилни ўрганиш талаффузнинг яхшиланишига ёрдам беради, нутқнинг услубини яхшилади, уни ифодали нутққа айлантиради, деб айтган.

Бу ишларда нутқнинг талаффуз томони, луғат бойлиги, грамматик тузилиши, мантикий ва товуш томонларини ўзгартиришга таъриф берилди.

Боланинг психик ва руҳий ривожланишида нутқнинг аҳамиятини белгилаш оғир. Барча психик жараёнлар – идрок, хотира, тасаввур, тафаккур, хулқ-атвор нутқ иштирокида шаклланади (Л.С.Виготский, А.Р.Лурия, А.В.Зопорожец).

нутқида камчилиги бўлган болаларда интеллектуал ривожланиш суръати орқада қолиши мумкин. У атрофдагилар билан кам мулоқотга киради, шунга боғлиқ ҳолда тасаввур доираси чегараланади, тафаккурнинг ривожланиш темпи орқада қолади. Шундай қилиб нутқий бузилиш таҳлили психик ривожланишнинг турли томонлари билан боғлиқлиги асосида нутқий патологиялар мавжуд болаларни ўрганишга комплекс ёндошув бўлишни таҳлил этади. Буни махсус психологиянинг таркиби бўлган логопсихология фани ўрганади. Логопсихология фанининг ривожланишини бир неча босқичлари мавжуд:

1. Клиник босқич.

Нутқий бузилишлар логопедия фанининг тадқиқот объекти бўлган, нутқий патологияли болаларни ўрганиш XIX-XX асрга тўғри келади. Нутқ нуқсони мавжуд болаларни ўрганиш терминологияси турли босқичларда турлича бўлган.

1920 йилларда Россияда оғир нутқий бузилишлар нутқда пайдо бўлгунга қадар “алалия” термини билан ифодаланган. Чет элда бу бузилиш “ривожланиш афазияси”, “конституционал нутқнинг тўхташи”, “туғма афазия” (А.Л.Кентон, Ф.Жилр, Ф.Кохар) деб номланган.

Нутқ бузилишларининг дастлабки таснифи А.Куссмаулнинг типологияси ҳисобланади. А.Куссмаул нутқ бузилишлари ҳақидаги нотўғри тасаввурга эга эканлигига кўра танқидга учраган. Бу тасниф XX асрнинг биринчи чорагида чет эл ва рус тадқиқотчиларининг илмий ишларида кенг қўлланган (Г.Гуцман, Э.Фрешелс, С.М.Дебрагаев). Улар илгари сурган таснифларда умумий жиҳатлар кўп эди (Клиник ёндошув лотин ва грек сўз ясовчи элементларидан ташкил топган тил таснифи). Лекин таснифлар ўртасидаги фарқ бузилишларни гуруҳлашда номлаш, қўлланаётган кўрсаткичлар борасида ифодаланган.

Таснифлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, уларнинг таркибидаги соддаликлар XX аср илм-фан ютуқлари олдида яққол кўзга ташланиб қолди.

2. Педагогик босқич.

Рус олимлар М.Е.Хватцев, Ф.А.Рау, О.В.Правдина, С.С.Ляпидевский ва бошқа олимлар клиник таснифга ўзгартиришлар киритади. Натижада бир шаклга кирувчи нутқий бузилишлар ҳақидаги тасаввурлар аҳамиятга молик даражада ўзгаради.

Лекин ўзгаришлар клиник терминологик аппаратини ўзгаришга олиб келмайди. Тушунча ва терминлар тиббиётда, логопедияда қўллангандек бир хиллигича қолаверади.

Болаларда нутқий бузилишлар патологияси, типологияси ва таснифи катталар ва болалар нутқ бузилишлари чекланмасдан таснифланган

типологияга асосланиши далилланади. Бу тамойиллар Р.Е.Левина томонидан асосланган.

3. Психологик босқич.

Логопедияда нутқий бузилишлар таснифи педагогик ва психолого-педагогик ва замонавий таснифи сифатида ўрганилган.

Нутқий ва руҳий ривожланиш ўзаро боғлиқ бўлиб, коррекцион-педагогик ёрдам беришда катта аҳамиятга эгадир. А.Куссмаул, П.Мори, М.В.Богданов-Березовский, Р.А.Белова-Давид, Е.А.Кириченко интеллектуал ривожланишида нутқ нуқсонлари катта таъсир кўрсатади, деб таъкидлаб ўтадилар.

Муаллифлар, нутқий доирадаги бирламчи бузилишлар интеллектуал даражага, психик ривожланишнинг орқада қолишига таъсир кўрсатади, деб фикр билдирганлар.

Нутқий ривожланишда нуқсони бор болалар нутқий ва психологик бузилишлар Р.Е.Левина томонидан тадқиқ этилган.

Р.Е.Левина нутқ бузилишларда билиш фаолияти бузилиши мавжудлигини кўрсатади. Бу нуқтаи назар бир қатор олимларнинг ишларида ҳам ўз аксини топган (Т.А.Власова, В.И.Лубовский, Л.С.Цветкова, И.Т.Власенко).

Маълумки, нутқ мураккаб функционал системани ўз ичига олувчи жараёндир. Бу системанинг ҳар бир таркибий қисми бошқа қисмлар билан боғланган. Р.Е.Левина ва унинг шогирдлари Л.С.Виготскийнинг нутқ ва тафаккур ҳақидаги таълимотига асосланиб, нутқни уч таркибий қисмга бўлиб: фонетик-фонематик, лексик ва грамматик воситаларига ажратиб ўрганишни тавсия этади.

Логопсихология фанининг назарий асослари Л.С.Виготскийнинг тадқиқотларига асосланади. Бу назарияда “бирон анализаторнинг нуқсони ягона функциянинг эмас, балки бутун фаолиятнинг бузилишига олиб келади” деган фикр ётади.

Шундай қилиб, бирламчи нуқсон, нутқий тизимнинг шикастланиши махсус коррекцион-логопедик ёрдамисиз, иккиламчи ва учламчи бузилишларни юзага келтириши мумкин, булар:

- нутқнинг барча томонини ривожланмаслиги;
- сенсор, фазовий ва бошқа тасаввурларнинг етишмовчилиги;
- хотиранинг чегараланганлиги;
- диққат концентрацияси ва мақсадга мувофиқлигининг етарли эмаслиги;
- умумлаштириш даражасининг пастлиги;
- ақлий хулоса чиқариш даражаларининг пастлиги;
- сабаб-оқибат алоқаларининг етарли даражада бўлмаганлиги.

Бу хусусиятлар, боланинг коммуникатив малакасининг ривожланиш даражасининг етарли эмаслиги, бошқа одатлар мулоқатга кириш ва атроф муҳитни ўзлаштира олмасликка олиб келади.

О.Н.Усанова, Ю.Ф.Гаркуша, Н.Т.Синякова каби олимлар нутқий патологияси мавжуд болалар диққати хусусиятини тадқиқ этганлар. Уларнинг фикрича болалар диққати барқарорлиги, ихтиёрийликнинг пастлиги, ўз ҳаракатларини режалаштиришда ўзига хос қийинчиликлар мавжуд экан. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларни мактабда ўқитишнинг илмий асосларини

Р.Е.Левина ишлаб чиққан Г.А.Каше, Н.А.Никитина, Г.В.Чиркина, Л.Ф.Спирова эса мактабгача ёшдаги болалар билан ўтказиладиган логопедик машғулотлар мақсад, мазмунини яратганлар. (Е.М.Мастюкова, Т.Ю.Филичева, Н.С.Жуковалар 1973) яратдилар

Бир қатор текширишларда болаларда нутқ нуқсонлари масаласи турли томонларидан бири кўпроқ ёритилади. Масалан, нутқ нуқсонларида товушлар талаффузи, бўғин тузилиши системасини ўзлаштиришлари Р.Е.Левина, Г.А.Каше, А.К.Маркова, О.Н.Усанова ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Нутқ нуқсонларида тилнинг луғат таркиби ва грамматик тузилишининг ўзига хослиги Р.Е.Левина, В.К.Орфинская, Н.Н.Траугот, С.Н.Шаховская, Г.А.Волкова, В.К.Воробьева, Б.М.Никитина, Г.И.Горенкова, Т.Б.Филичева, Г.В.Чиркина, А.В.Ястребова, Е.Ф.Соботович, В.А.Ковшиков ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида кўрсатилган.

Л.С.Виготский нутқнинг ҳаракатларни идора қилиш бошланғич босқичи – бу эгоцентрик нутқ босқичи деб ҳисоблайди. Чунки, бу даврда бола ўз ҳатти-ҳаракатларини, айнан шу ҳаракатларни ифодаловчи нутқ билан боғлайди. Яъни, нутқ боланинг мақсадга йўналган фаолияти бўлиб хизмат қилади.

Нутқда камчилиги бўлган болалар шахсий хусусиятлари О.С.Орлова, Л.Е.Гончарук, Л.М.Шипицина, Л.С.Волкова ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган. Логопсихологиянинг тараққиётига Б.М.Гриншпун, О.Н.Усанова, И.Т.Власенко, Т.Б.Филичева, Л.Г.Соловьева ва Н.С.Жуковаларнинг илмий тадқиқот ишларининг натижалари ижобий таъсир кўрсатган.

3. Логопсихология фанининг бошқа фанлар билан алоқаси

Логопсихология фани бошқа фанлар билан ҳамма вақт боғлиқ. Нутқий бузилишлар коррекцияси ва профилактикаси билан шуғулланиш нутқ бузилишлари симптоматикасини билиш, нутқий фаолият тизимида нонутқий симптомлар алоқасини ўрганиш учун логопсихология бошқа фанлар билан ўзаро алоқада фаолият кўрсатади.

Болаларни ривожланиш босқичларини психик томондан ўрганиш болалар психологияси, педагогик психология ва логопедияни ўз ичига бирлаштиради. Болалар психологияси болаларда кечадиган, руҳий жараёнларни ўрганади. Болалар психологияси болани бошқа шахслар билан мулоқотга кириша оладиган, меҳнат қила оладиган шахсга қай тарзда айланишини кўрсатиб беради. Логопед болаларни психик ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда ва фарқлашда юқорида баён этилган билимларга таяниши лозим.

Логопсихология – махсус психологиянинг бир бўлими, махсус психология эса умумий психологиянинг бир йўналиши, яъни соҳаси, умумий психология психикани таркиб топиши ва ривожланиши қонуниятларини меъёрида ўрганса, логопсихология эса ана шу қонуниятларнинг аномал ривожланишини ўрганади. Шунингдек, бу фанларнинг алоқаси, ўрганиш методлари, тамойиллари, ўрганилаётган ҳолатларни ягона тушунчалари, атамалари ёрдамида баён этилиши билан ҳам белгиланади. Логопсихология педагогика ва унинг бир бўлими махсус педагогика, логопедия билан боғлиқ.

Маълумки, логопедия ўзининг тамойилларини шакллантириш, шунингдек таълим-тарбия тизимини ташкил этишда логопсихология томонидан ўрганиладиган болаларни гуруҳли, ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳақидаги билимларга таянади.

Педагогик муаммоларни мустақил ҳал этиш, педагогик муносабатларни кенгайтириш, логопед болаларнинг таълим-тарбия жараёнига амалий таъсир этиш шарти ҳисобланади.

Логопсихология тиббий фанлар билан ҳам боғлиқ. Бу фанлар бир хил ўрганиш объектига эга. Лекин бу фанларнинг ўрганиш предмети фарқланади. Логопсихология – неврология, психиатрия, физиология фанлари билан боғлиқ. Неврология, физиология фанлари логопат болаларнинг психик ривожланиши ҳолатини янги сифат нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради. Функционал системалар назариясини яратилиши, бош миё қобиғининг функцияларни локализацияси ҳақидаги назарияни ишлаб чиқилиши, алоҳида эҳтиёжларга эга болаларда олий психик функцияларни шаклланиши ва ривожланиши камчиликларини таҳлил этишнинг янгича усулини келтириб чиқди.

Ички ва ташқи алоқалар ўзаро тафовутланади. Ички алоқаларнинг сурдопедагогика-тифлопедагогика, олигофренопедагогика, она тили, математикага ўргатиш методикаси, логопедик ритмика, умумий ва махсус психология билан алоқалар киради. Тизимлараро алоқаларга тиббий-биологик ва лингвистик алоқалар киради.

Логопсихология отолорингология, невропатология, психопатология, олигофрения клиникаси, педиатрия фанлари билан боғлиқдир. Бу фан маълумотлари овоз бузилишларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолатда овоз бузилишлари ҳалқум нуқсонлари асосида юзага келган бўлиши мумкин.

Кўп бузилишлар марказий нерв системаси бузилишлари билан боғлиқ бўлиб, унинг диагностикаси логопед ва врач-неврологнинг ўзаро фаолияти асосида мавжуд бўлади.

Нутқий бузилишларда руҳий ривожланишнинг турли ҳолатлари эмоционал-иродавий, ҳулқий, диққат, хотира, ақлий меҳнат фаолиятининг ривожланишидан орқада қолиши кузатилади. Бу маълумотлар нутқий бузилишни аниқлаш ва унга логопедик ёрдам кўрсатишда муҳимдир. Нутқий бузилишлар миё фаолиятининг ривожланиши билан боғлиқдир. Бунда логопедик иш марказий невр тизими фаолиятини стимулловчи дори-дармон орқали даволаш билан боғлиқликда олиб борилади.

Дудукланиш, мутизм каби нутқий бузилишлар сабаби психик травмалар, кўрқиш, ҳаяжонланиш сабабли бўлиши мумкин. Фақат психоневролог ва логопеднинг ўзаро фаолиятигина бу жараёни ўзгартириши мумкин.

Логопсихология лингвистика ва психолингвистика билан ўзаро боғлиқдир. Нутқ турли тил бирликлари ва қоидаларни қўллашни кўзда тутди. Бу қонун-қоидаларни яхши билиш аниқ ташҳис қўйиш, уни тўғри коррекциялаш имконини беради ва логопедик иш самарадорлигини ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Логопсихология умумий ва махсус психология, психодиагностика фанлари билан боғлиқдир. Логопед боланинг психик ривожланиш қонуниятларини билиши, психологик-педагогик текширув методларини қўллай олиши лозим.

Шундай қилиб, логопед нутқий бузилишларнинг турли шакллари ажратиши, интеллектуал, эмоционал ва хулқий бузилишлар билан боғлиқ нутқий бузилишларга ташхис қўйиш малакасига эга бўлиши керак.

Психология билимларини билиш логопедга фақат нутқий бузилишни эмас, балки нутқий бузилишни руҳий бузилишлар билан боғлиқлигини тўғри тушуниш имкониятини беради. Бундай билим турли ёшдаги нутқ нуқсонли мавжуд болалар билан мулоқотга киришишга имкон беради.

Назорат саволлари:

1. Логопсихология фанининг предмети мақсади ва вазифаларини санаб беринг.
2. Логопсихология фанининг шаклланиш босқичлари тўғрисида нималарни биласиз?
3. Логопсихология фанининг тамойилларини сананг.
4. Детерминизм тамойилининг моҳиятини изоҳланг.
5. Логопсихология фанининг тадқиқот методларини кўрсатинг.
6. Логопсихология фанининг фанлар тизимида тутган ўрнини қандай изоҳлайсиз?

Асосий адабиётлар:

1. Муминова Л.Р., Аюпова М.Ю. Логопедия. –Т.: Ўқитувчи 1993.
2. Аюпова М.Ю. Логопедия. –Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. 2007.
3. Муминова Л.Р., Амирсаидова Ш., Абидова Н ва бошқ. Махсус психология. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013.

Қўшимча адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги нутқ // Халқ сўзи. 2017 йил 16 январ, № 11.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. 7 январ 2017 йил.
5. Колесникова Г.И., Кабарухина И.А. Специальная психология и педагогика. Ростов на - Дону. 2007.
6. Специальная психология. Под. ред Лубовского В.И. Учебное пособие. -М. 2005

7. Косякова О.О Логопсихология. – М.: Феникс, 2007
8. Трошин О.В, Жулина Е.В. Логопсихология. –М.: Владос, 2005
9. Калягин В.А., Овчинникова Т.С. Логопсихология. – М.: Академия, 2006.

2-мавзу: нутқида камчилиги бўлган болаларнинг тавсифномаси (2 соат)

Режа –

1. Нутқ бузилишининг классификацияси.
2. Нутқнинг лингвистик тавсифи.
3. Нутқнинг клиник тавсифи.
4. Нутқида камчилиги бўлган болалар гуруҳининг педагогик тавсифи.

1. Нутқ бузилишининг классификацияси

Нутқ, фақатгина инсонга хос ноёб истеъдод бўлиб, у ёки бу тил орқали онг жараёнлари билан боғлиқ мулоқотни таъминлайди. Нутқ функциясининг миядаги уюлиши XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб клиницистларнинг, нейрофизиологларнинг ва психологларнинг ҳар томонлама ўрганадиган фани бўлиб қолди. Нутқ механизми тўғрисидаги биринчи маълумотлар П.Брок, К.Верникенинг ишларида пайдо бўлди. Нутқ фаолиятини таъминловчи пўстлок зонасининг турли қисмларини бундан кейинги ўрганишлар (Брок марказининг) бош мия чап ярим шарининг (ўнг томон учун) орқа қисмидаги пешонанинг бурма-бурма бўлиб турган жойларининг мотор функцияларини олди олинди (локализация қилинди), сенсор тарафи эса (Вернике маркази) чакка чап қисмининг бурма-бурма бўлиб турган жойларининг олди олиниши (локализация қилиниши) мумкин. А.Р.Луриянинг нейропсихология асосларида нутқни ташкил этиш функциялари ҳар томонлама ёритилган.

Эшитиш, кўриш, ҳаракат қилиш анализаторларининг устки ва марказий бўлимларини шикастланиши нутқ патологиясининг оқибати ҳисобланади. Эшитиш анализаторининг устки бўлими жароҳатланганида оғзаки нутқнинг идроки зарар кўради, чунки эшитиш фонематикаси бузилиши оқибатида сенсор афазияси (ёки алалия) пайдо бўлишига сабаб бўлади. Кўриш анализаторининг турли бўлимларини шикастланиши ёзма нутқ идрокининг бузилишида кузатилади. Ҳаракат қилиш анализаторидаги мотор зонасининг бузилиши талаффуздаги камчиликларга олиб келади, чунки ҳаракатланувчи (тил, лаб, юмшоқ танглай) артикуляция аъзолари ва қимирламайдиган (қаттиқ танглай) ҳамда товуш ясовчи ва нафас олувчи (товуш пардалари, ҳиқилдоқ, ўпка, бронх, трахея, дифрагма) аъзолари зарар кўради. Адабиётларда санаб ўтилган нутқни ҳаракатлантирувчи анализаторнинг устки бўлими сифатида кўрсатилган.

2. Нутқнинг лингвистик тавсифи

Нутқ турли кўриниш ва турлардаги мураккаб психик фаолиятдан иборат. У экспрессив ва импрессив нутққа ажратилади.

Экспрессив (эшлаш) нутқ – бу тил ёрдамида ўз фикрини баён қилиш ташқарига йўналтирилган ва бир қанча босқичлардан ўтувчи: ғоя – ички нутқ – ташқи ўз фикрини айтиш.

Импрессив (идрок қилиш) нутқ – бу атрофдагилар нутқини тушуниш (оғзаки ёки ёзма) жараён, ҳамда бир қанча босқичлардан ўтади: нутқий хабарни идрок қилиш ахборот лаҳзаларини ажратиш – идрок қилинган умумий маънодаги схемада ички нутқни шакллантириш.

Нутқ фаолияти мустақил умумий тўртта турга ажратилади, улардан экспрессив нутқга оғзаки ва ёзма нутқ (хат каби), импрессив нутққа эса – оғзаки нутқни тушуниш ва ёзма нутқни тушуниш (ўқиш) киради.

Оғзаки нутқ – мураккаб, кўпқиррали жараённи ўзига қамраб олади:

нутқнинг фонетик томони (нутқдан товушни маъноли ажралиши);

лексик-грамматик (сўзлар, иборалар, маълумотлар);

куй-интонацияли (интонация, овоз);

темп-ритмик (нутқ темпи ва ритми).

Диалогик ва монологик нутқ бўлиши мумкин.

Мустақил ёки айтиб туриб ёзилган ва ўқиш бўлиши мумкин бўлган, оғзаки нутқ асосида ёзма нутқ қурилади ва ривожланади.

У ёки бу нутқ компонентларига кўра қуйидаги лингвистик бузилишларга бўлинади:

1. Фонетик бузилишлар – битта ёки бир нечта товуш гуруҳларини нотўғри талаффуз қилиш (шипилловчи, хуштакли, ўрта ва орқа тил товушлари; ундош товушларнинг қаттиқ-юмшоқлигини, карлик-жаранглилигининг бузилиши).

2. Лексик-грамматик бузилишлар.

Бу бузилишларнинг ораси ажратилади:

- чекланган луғат захираси;
- қашшоқлашган ибора;
- иборада нотўғри тузилган сўзлар;
- нотўғри ишлатилган келишиклар ва қўшимчалар;
- чала гапириш, сўзларнинг жойини алмаштириб гапириш.

3. Куй-интонацияли бузилишлар:

- урғуни нотўғри ишлатиш (сўзда – грамматик, иборада – мантикий);
- товушнинг тембри, баландлиги, кучи билан боғлиқ бузилишлар (тинч, бўғиқ, вақилловчи, қисилган, маъносиз, визилловчи, паст овоз, модуллашмаган).

4. Темп-ритмик бузилишлар:

- тезлашган темп бош мия пўстлоғида ҳаяжонланиш жараёнларининг устун келишига боғлиқлиги (тахилалия);
- секинлашган темп, тормозланиш жараёнларининг устунлик қилиши (брадилалия);
- узиқ-юлиқ темп (асоссиз паузалар, тутилиш, сўз ва товушларда урғули бўғинни аниқ ўқиш тутилмасдан, тутқаноқсиз ва тутқаноқлик кўринишидаги (дудуқланиш).

5. Ёзма нутқдаги бузилишлар:

хатлар:

- фонемани графемага нотўғри қайта шифрлаш;
- чала ёзиш;
- сўзда ҳарфларни тушириб қолдириш ва аралаштириб юбориш;

- гапда сўзларни қайта жойлаштириш ва келишмаслик;
- чизикдан чиқиб кетиш ва бошқалар.

ўқиш:

- товушларни алмаштириш ва аралаштириш;
- ҳарфлаб ўқиш;
- сўз таркибида товуш-бўғинни бузиш;
- ўқилган нарсани тушунишнинг бузилиши;
- аграмматизмлар.

3. Нутқнинг клиник тавсифи

Нутқ ривожланиши жараёнларининг болалик даврида ўнг ярим шар аҳамиятли ўрин эгаллайди. Ҳозирги пайтда айтилаётган нуқтаи назарлар шундан иборатки, бола нутқи пайдо бўлишининг эрта даврида етарлича бўлмаган тушуниш ва эркинлик нутқ актини ташкил топиши учун, албатта ўнг ярим шарнинг фаол иштирокига боғлиқ. Нутқ воситаларини онгли ва эркин шаклланишини қўллашда етакчи ролни нутқ бўйича доминантлик қилаётган мия ярим шарининг (одатда, чап) бўлинмаларига тегишлидир. (Е.Г.Смирнская).

Болалик даврида нутқ бузилишининг алоҳидалиги уларда қайтарилиш қобилиятининг борлигидир, чунки бола миясининг юқори даражада нафислиги (пластиклиги) билан боғлиқ.

Болалик даврида кузатилган нутқ бузилишлари физиологик (бош миянинг устки (периферик) марказий таркибининг етилиш муддатига боғлиқ ва патологик (касалланган) кўринишда бўлиши мумкин.

Нутқнинг патологик бузилиши марказий ва устки (периферик) бузилишининг характериға қараб органик ва функционал қисмларға бўлинади.

Нутқ бузилишининг клиник турлари:

1) устки характердаги:

механик дислалия – (артикуляция аппаратининг турли хил бузилишлари оқибатида товуш чиқаришнинг бузилиши); функционал дислалия (артикуллаш функциясининг бузилиши – артикуляция аъзолари қурилмасининг сақланиши оқибатида, нотўғри, ноаниқ артикуляция аппаратининг ҳаракати);

ринолалия – нутқнинг просодия томони ва товуш чиқаришдаги бузилишлар, биринчи навбатда – алвеоляр ўсимта, милк, қаттиқ ва юмшоқ танглай, лабдаги ёриқ (незаращения) кўринишидаги овозлар, артикуляция аппаратининг тузилиши бузилишини келтириб чиқаради. Товуш чиқарганда ҳаво оқими фақат оғиз орқали эмас, балки бурун бўшлиғи орқали очиқ ўтиши ва ёпиқ, бурун бўшлиғидаги меъёрий ўтишнинг аденоидлар, ўсимталар, бурун суягининг қийиқлиги, бурунда сурункали жараёнлар оқибатида бузилишларнинг кўриниши мумкин;

ринофония – нутқ товушларининг меъёрий артикуляциясида овоз тембрининг бузилиши, фонация жараёнида оғиз ва бурун бўшлиғи иштирокининг мувофиқлашмаслигини ҳисобга олиниши;

дисфония – овоз аппаратининг патологик ўзгаришлари оқибатида фонациянинг ишдан чиқиши. Ёки фонациянинг (афония), йўқлиги ёки овознинг

(дисфония) кучи, йўқлиги ёки тембрнинг бузилиши кўринади. Марказий ва устки (периферик) характердаги овоз ташкил қилувчи механизмнинг органик ва функционал тартибсизликларини келтириб чиқаради;

2) марказий характердаги:

дизартрия – марказий нерв системасининг органик шикастланиши оқибатида тилнинг товуш тизимини бузилиши (товуш чиқариш, просодия, овозлар). Дизартрия, кўпинча талаффуз қилишнинг бузилиши билан чегараланмайди, лекин нутқни тушуниш ва лексик-грамматик томонларига тегишли бўлади;

алалия – бола ривожланишининг бачадонда ҳомила ёки илк даврида бош мия пўстлогининг нутқ зонасида органик шикастланиш оқибатида нутқнинг йўқлиги ёки ривожланмаганлиги (нутқ шаклланишига қадар). Мотор алалида мурожаат қилинган нутқни қиёсий сақланган имкониятда тушуниш учун қийинчиликлар шахсий нутқнинг ривожланишига тегишли бўлади. Сенсор алалида бунинг тескараси кузатилади: у ёки бу даражада, атрофдагиларнинг нутқини тушуниш бузилади;

афазия – бош миянинг оғир жароҳатланиши туфайли, шамоллаш жараёнлари ва ўсимталар туфайли нутқ зоналарини қамраб олувчи илгари бўлган нутқни тўла ёки қисман йўқотиш. Афазия механизми асосида нутқ стереотипининг йўқолиши ётади, шунга кўра талаффуз қилиш кўникмалари ёки бегона нутқни тушуниш имкониятлари йўқолади. Ёш болаларда (5-7 ёш) нутқ бузилиши афазия туридаги мия шикастланишида бўлади ва кўпроқ нутқ-эшитиш хотирасига тегишли бўлади (Л.С.Цветкова);

дисграфия, ёки аграфия – ёзув жараёнининг ўзига хос, қисман ёки бутунлай ишдан чиқиши. Гап тузилмаси ва товуш-бўғинлар тизимининг бузилиб кўринишида, ҳарфларнинг оптик-фазовий образлари ноаниқ кўринади. Бош мия ярим шари чап қисмининг қайси жойи шикастланмасин орқа пешона, чакка, гардан – ёзув бузилиши мумкин;

дислексия – (алексия) – бош мияда гардан-чакка-тепа қисмларининг ривожланмаганлиги оқибатида ўқишнинг қисман ёки бутунлаб бузилиши.

4. Нутқида камчилиги бўлган болалар гуруҳининг педагогик тавсифи

Нутқида бир хил бузилиши бўлган болаларни бир гуруҳга бирлаштирилса коррекция ишларини олиб бориш қулай бўлади.

Одатда, гуруҳлар қуйидаги бузилишларга қараб ажратилади:

1) фонетик-фонематик бузилишлар (ФФБ, товуш талаффуз қилишдаги кўпгина камчиликлари бор болалар билан: функционал ва механик дислалия, ринология, дизартриянинг енгил кўриниши);

2) нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (НТР, турли даражадаги нутқнинг ривожланмаганлиги нутқида кўпгина лексик-грамматик камчиликлари бор болалар билан: дизартриянинг, алалиининг, дислексиянинг ва алексиянинг, ҳамда дисграфиянинг ва аграфиянинг мураккаб кўринишларида);

3) куй-интонация камчиликлари (ринофония, дисфония, афония) ва нутқнинг темп-ритмик бузилишлари. (дудуқланиш, полтерн, тахилалия, брадилалия билан).

Нутқ ривожланишининг бузилишида тарбия ва атроф-муҳитнинг номаъқул шароитлари билан боғлиқлиги пайдо бўлиши кутилади. Нутқ шаклланишининг жадал даврида психик депривация унинг ривожланишини орқага суради. Агар бу факторларнинг таъсири генетик мойилликка ёки қўпол бўлмаган церебрал-органик камчиликларга мос келса, унда нутқ ривожланишининг бузилиши турғун характерга эга бўлади ва нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги кўринишида намоён бўлади.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги одатда миянинг резидуал-органик шикастланиши натижасидир (бу термин билан ифодаланган ҳолат тугалланган патологик жараён натижасидир). Нутқ ривожланишининг бузилишини асаб-психик касалликларидан (эпилепсия, шизофрения ва бошқалар) фарқлашни билиш керак. Интеллектуал камчиликлари бор болаларни нутқда патология ифодаланган болалар билан солиштирганда асосан марказий асаб тизимининг органик шикастланиши кўринишлари кузатилади — минимал мия дисфункцияси дейилади (ММД).

Назорат саволлари:

1. Нутқ ҳақида маълумот беринг.
2. Логопсихология тушунчасига изох беринг.
3. Этиология тушунчасини ёритинг.
4. Нутқнинг ривожланиш босқичларини аниқланг.
5. Нутқ бузилишларининг қандай тавсифномаларини биласиз?
6. Нима учун нутқда нуқсони бўлган болаларнинг клиник, психологир ва педагогик тавсифномаси билиш керак?

Асосий адабиётлар:

1. Муминова Л.Р., Аюпова М.Ю. Логопедия. —Т.: Ўқитувчи, 1993.
2. Аюпова М.Ю. Логопедия. —Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. 2007.
3. Муминова Л.Р., Амирсаидова Ш., Абидова Н ва бошқ. Махсус психология. —Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013.

Қўшимча адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги нутқ // Халқ сўзи. 2017 йил 16 январ, № 11.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. —Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. —Т.: Ўзбекистон, 2016.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

5. Колесникова Г.И., Кабарухина И.А. Специальная психология и педагогика. Ростов на - Дону. 2007.

6. Специальная психология. Под. ред. Лубовского В.И. Учебное пособие. – М.: 2005.

7. Косякова О.О. Логопсихология. –М.: Феникс, 2007.

8. Трошин О.В, Жулина Е.В. Логопсихология. –М.: Владос, 2005.

9. Калягин В.А., Овчинникова Т.С. Логопсихология –М.: Академия, 2006.

3-мавзу. Нутқида камчилики бўлган болалар диққатининг хусусиятлари **Режа:**

1. Диққат ҳақида умумий тушунча.
2. Диққатнинг ривожланиши.
3. Нутқида камчилиги бўлган болалар диққатининг ўзига хослиги.

1. Диққат ҳақида умумий тушунча

Диққат – айрим предмет ва ҳодисаларнинг бир вақтда бошқалардан четга олишда энг яхши аксини таъминловчи инсон руҳий фаолиятининг хусусияти.

Диққатнинг асосий вазифалари:

- айни вақтда психологик ва физиологик жараёнлар кераклигини фаоллаштириш ва окераксизини тўхтатиш;
- эҳтиёжларига кўра келиб тушаётган маълумотни ташкилий ва мақсадли танлаб олишга ёрдам бериш;
- бир хил объект ёки фаолият турларида психик фаолиятнинг танланувчи ва узоқ бир ерга тўпланишини таъминлаш.

Инсон диққати беш хил асосий хоссаларга эга: турғунлик, тўпланганлик, йўналтириш, тақсимлаш ва кўламлилиқ.

1. Диққатнинг турғунлиги маълум бир объект, фаолият предметига чалғимасдан узоқ вақт ичида қараш хусусиятида намоён бўлади.

2. Диққатнинг тўпланганлиги (қарама-қарши ҳислат паришонлик) бир хил объектларга диққатини қаратиш ва бошқаларидан онгида мавжуд бўлган фарқларда намоён бўлади.

3. Диққатнинг йўналтирилиши, қаратилиши уни бир объектдан бошқасига, бир фаолият турдан ўзга турга кўчирилиши сифатида тушунилади. Диққатнинг йўналтирилиши функционал равишда икки хил турли йўналишдаги жараён билан боғлиқ: диққатнинг қаратилиши ва бўлиниши.

4. Диққатни тақсимлаш уни етарли бўшлиққа сочиш (тарқатиш), параллел равишда бир неча фаолият турини бажариш қобилиятидан иборат.

5. Диққат кўламлилиги одамнинг юқори диққатлигида (онгида), бир вақтда сақланишга қобилиятли маълумотнинг миқдори билан аниқланади. Маълум белгиларга бўлиш мумкин бўлган кўпгина диққат турлари мавжуд:

1. Предмет, фаолият материалига кўра:

- сенсор-персептив;
- интеллектуал;
- ҳаракатлантирувчи;

2. Йўналганлигига кўра:

- ташқи;
- ички.

3. Акс эттирилган (таъсир қилинган) боғлиқлик ва муносабатлар хусусиятига кўра:

- эмперик;
- назарий.

4. Етакловчи анализаторга кўра:

- қараш;
- эшитиш;
- кинестетик.

Бевосита диққат ҳеч нарса билан бошқарилмайди. Инсон қизиқишлари ва эҳтиёжларига тўғри келадиган объектга қаратилган диққат бундан мустасно. Намоён бўладиган диққат – махсус воситалар ёрдамида, масалан имо-ишоралар, сўзлар, кўрсатиш белгилари билан бошқарилади.

Ихтиёрсиз диққат-ирода иштироки билан боғлиқ эмас. Ихтиёрий диққат – ирода орқали бошқарилишини ўз ичига олади.

Хиссий диққат - ҳиссиёт ва сезиш аъзолари танланувчи иши билан боғлиқ.

2. Диққатнинг ривожланиши

Диққат сезиларли даражада ёшга кўра ўзгарадиган асосий юқори нерв фаолияти жараёнлари ривожланиши даражасига боғлиқ.

Бола ҳаётининг биринчи йилида қандайдир вақт ичида у ёки бу предмет билан шуғулланиши мумкин, бироқ бунда унинг диққати ҳали турғун эмас. Беихтиёр диққат шаклланишининг шу бошланғич даври шу билан тавсифланадики, бола ранг-баранг нарсаларни кўриб, баланд товушларни эшитиб, вақт ўтиши билан янада суст, секин таниш бўлган қўзғатувчиларга эътибор беришни бошлайди.

2 ёшга бориб у нарсаларни кўриб чиқиб, қўли билан бошқариб, узоқ вақт уларда диққатини тўлмайди. Бу ёшда боланинг нутққа эга бўлиш билан боғлиқ бўлган ихтиёрий диққат белгилари юзага келади.

3-4 ёшда болалар кўпгина предмет ва ҳодисалар билан қизиқишни бошлайди, катталарни диққат билан эшитади, соатлаб улар ишини кузатади ва ўзлари ўз олдига муайян вазифаларни қўйишга қобилиятли бўлади. Уларнинг диққати бир жойга тўпланган бўлиши мумкин, бироқ ҳали ҳам етарли даражада турғун бўла олмайди.

Катта мактабгача бўлган ёшда диққат турғунлиги анча олиб боради. Бироқ болалар ҳали уни яхши бошқара олмайди. Улар узоқ вақт қандайдир предметни қидира олмайди, диққатини тўплай олмайди. Ихтиёрий диққат мактабгача ёшда ҳали суст ривожланган ва боланинг фаолияти унинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади, булар катталар ишини бажариш ҳамда ўйин ўйнашдан иборат. Ўйин уни кузатувчанликка, муайян қоидаларни бажаришга ўргатади, иродасини тарбиялайди.

Мактабдаги ўқиш, билимларини эгаллаш жараёни – буларнинг барчаси кичик ёш ўқув юзага келадиган қизиқишлар натижасида, хусусан ўқув машғулотларига бўлган қизиқиш асосида ривожланадиган беихтиёр диққатнинг тезда ўсишига ёрдам беради. У ниҳоятда материалнинг ёрқинлиги, унинг кўргазмалилиги ва аниқлиги, бола ҳиссий соҳасига бўлган таъсирига боғлиқ.

3. Нутқида камчилиги бўлган болалар диққатининг ўзига хослиги

Нутқи ривожланмаган болалар учун диққат-эътиборнинг қатор хусусиятлари хакартерли: ўзгарувчанлик, эркин эътиборнинг паст даражадаги кўрсаткичлари, ўз ҳаракатларини режалаштиришдаги қийинчиликлар. Болалар масалани ҳал қилишда турли усул ва воситаларни қидириб, шарт-шароит таҳлилида қийинлик билан диққат-эътиборларини тўплайдилар.

Диққат-эътиборнинг эркинлигини намоён қилиш фарқида таъсир этувчининг модаллигига бўйсунити маълум бўлади (кўриш ёки эшитиш): нутқида патологияси бор болаларда кўриш шароитига қараганда вазифани сўз қўлланмаси шароитида бажариш учун, диққат-эътиборини тўплаш анча оғир. Биринчи марта, ранги, шакли, фигураларнинг жойлашишига кўра фарқ қилишда қўпол бузилишлар билан боғлиқ хатоларнинг сони кўплиги кузатилади.

НТР мактаб ёшига етмаган болаларда фаолият тезлигининг барқарорлиги иш жараёнида интилишни пасайишига олиб келади.

Нутқида патологияси бор болаларда диққат-эътиборни нутқ ва амалий ҳаракат ўртасида бўлиш, амалда бажариб бўлмайдиган қийин вазифа ҳисобланар экан. Шу билан бирга уларда ойдинлаштириш ва таъкидлаш феълидаги нутқ қаршиликлари устун келади, унда нутқи соғ ривожланган болалардаги каби мураккаб қаршиликлар кузатувидаги феълда ва шу пайтда бажарилаётган ҳаракатга боғлиқ бўлмаган қаршиликлар кузатилади.

НТР ли болаларда диққат-эътибор хатолари бутун иш давомида қатнашади ва доимо мустақил эътибор қилинмайди ва йўқотилмайди. Хатолар феъли ва уларнинг ўз вақтида бўлиниши меъёрдан сифатли фарқланади.

Фаолият устидан назоратнинг ҳамма кўринишлари (аввалги, ҳозирги, кейинги) тез шаклланмаган ёки анча бузилган бўлади, шу билан бирга вазифа шартларини таҳлили билан боғлиқ бўлгани учун, кўпроқва назоратнинг ҳозирги тури қийналади (вазифани бажариш жараёнида). Кейинги назорат (натижалар бўйича назорат), унинг айрим белгилари асосан педагогнинг қўшимча ёрдами орқали кўринади: қўлланмани такрорлаш талаб қилинади, намунани кўрсатиш, аниқ кўрсатмалар ва б. Нутқи ривожланмаган болаларнинг эркин диққат-эътиборининг хусусиятлари чалғитиш характерида намоён бўлади. Нутқи соғ болалар учун «тажриба ўтказувчига» фаолияти жараёнида чалғитишга интилиш характерли (болалар тажриба ўтказувчига қараб, у ёки бу вазифани тўғри ёки нотўғри бажаришганини унинг таъсиридан аниқлашга ҳаракат қилишади), нутқида патологияси бор болалар учун эса кўпинча чалғитишнинг қуйидаги кўринишлари бўлади: «деразага қаради (атрофга)», «вазифа билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатларни амалга оширади». Нутқи оғир бузилган болаларда эркин диққат-эътиборнинг паст даражадалиги уларнинг

шаклланмаганлигига ёки фаолият тузилишининг бузилишига олиб келади (О.Н.Усанова, Ю.Ф.Гаргуша).

Амалий топшириқ:

“Икки қисмли кундалик” график органайзерини тўлдириш.

Қуйида келтирилган жадвалнинг биринчи қисмида меъёрда ривожланган болалар диққатининг хусусиятларини келтириш. Жадвалнинг иккинчи қисмида нутқида камчилиги бўлган болалар диққатининг ривожланиш кўрсаткичларини мисоллар асосида келтириш

Болаларда диққат хусусиятларининг намоён бўлиши	
Меъёрда ривожланган болалар	нутқида камчилиги бўлган болалар
1.	1.
2.	2.
3.	3.
4.	4.
5.	5.

Асосий адабиётлар:

1. Муминова Л.Р., Аюпова М.Ю. Логопедия. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
2. Аюпова М.Ю. Логопедия. –Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. 2007 й.
3. Муминова Л.Р., Амирсайдова Ш., Абидова Н. ва бошқалар. Махсус психология. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013.

Қўшимча адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги нутқ // Халқ сўзи. 2017 йил 16 январ, № 11.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
5. Колесникова Г.И., Кабарухина И.А. Специальная психология и педагогика. Ростов на - Дону. 2007.
6. Специальная психология. Под. ред. Лубовского В.И. Учебное пособие. – М.: 2005.
7. Косякова О.О. Логопсихология. –М.: Феникс, 2007.
8. Трошин О.В, Жулина Е.В. Логопсихология. –М.: Владос, 2005.
9. Калягин В.А., Овчинникова Т.С. Логопсихология –М.: Академия, 2006.

4-мавзу: Нутқида камчилиги бўлган болалар идрокининг хусусиятлари

Режа:

1. Идрок – психологик тавсиф сифатида.
2. Идрокнинг шаклланиши.
3. Нутқ бузилишларида учрайдиган идрок жараёнининг алоҳида хусусиятлари.

1. Идрок – психологик тавсиф сифатида

Идрок - бу ахборотларни қабул қилиш ва эгаллаш жараёнлари тизими бўлиб, организмга уни ўраб турган борлиғи ва объектив мавжудлигини таъминловчи йўналишдир. Қабул қилиш хис қилиш билан биргаликда билиш жараёнида асосий қисм бўлиб, берилаётган материални хис қилишни таъминлайди.

Билиш жараёнининг шарти сифатида, қабул қилиш жараёни фикрлаш жараёни билан бирга келиб, амалиётда текширилади. Бундай бирга келмаслик эса, қабул қилишни текширишда асосий манба сифатида ўрин олиши мумкин, шунингдек йўқолиш-иллюзияларда ҳам кузатилиш мумкин.

Қабул қилишнинг бир неча хил турлари мавжуд бўлиб, улар белгиланган шакллари бўйича бирлаштирилади.

1. Етакчи анализаторлар бўйича: кўрув, эшитув, тери-туйиш, хид билиш, кинестетик

2. Материянинг мавжудлиги шаклига кўра: атроф-борлиқни идрок этиш, вақтни идрок этиш, ҳаракатларни идрок этиш

3. Руҳий фаоллик мослигига кўра: олдиндан ўйланган, олдиндан ўйланмаган

Инсонда инсоннинг психолог характеристикаси сингари унинг хусусиятлари мавжуд.

1. Аралаш ва умумлаштириш: предмет ва ҳодисаларни идрок этар экан, инсон нималарни идрок этаётганини тушунади ва англайди.

2. Предметлилиқ: предметларнинг психолог образларини киши образ сифатида эмас, балки реал предметлар сифатида англайди.

3. Яхлитлилиқ: борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг алоҳида сифатлари ва белгилари доимий мустаҳкам боғлиқликда бўлади. Идрокда предмет ёки ҳодиса компонентлари ўртасида мустаҳкам боғлиқликлар ифодаланади.

4. Тизимлилиқ: киши турли объектларни уларнинг белгиларини мустаҳкам тизимга кўра англайди.

5. Танламоқ: бир неча предметлар ва кўринишлар орасидан инсон фақат бир нечтасинигина ажратиб олади, бу унинг қандай фаолиятга қаратилганини, керакли нарсалар ва қизиқишларига боғлиқ бўлади.

6. Ўзгармайдиган: худди ўша предметлар инсон томонидан ўзгарган шароитларда қабул қилинади (турли хил ёритилишида, турли хил қарашларда, турли масофаларда). Лекин предметларнинг объектив хусусиятлари ўзгармаган ҳолда қабул қилинади.

2. Идрокнинг шаклланиши

Ҳис қилишнинг шаклланиши – болаларда қабул қилиш жараёнининг шаклланиши ва предметлар, ўраб турган атроф борлиқ ҳақида тасаввурларни хосил бўлиши. Бола дунёга келганда хис қилиш туйғулари шаклланиб бўлган бўлади. Лекин уларнинг нормал функциясини атроф – борликни қабул қилишларини таъминлаб беради.

Ҳис этиш жараёни тўғри шаклланиши учун, мақсадга йўналтирилган хиссий тарбия зарур ва муҳимдир. Болага кўришни, бармоқлар билан пайпаслашни, объектларни эшитишни ўргатиш керак, яъни унда қабул қилиш ҳаракатларини шакллантириш керак. Лекин предметни текшириш, кўриш, пайпаслаш етарли эмас. Бунда предметни бир қанча белгиларини аниқлаш билан бирга, уларни бошқа предметлар билан белгиларнинг муносабатларини аниқлаш зарурдир.

Бунинг учун болага керакли ўлчовларни бериш керак, бунла бола нимани қабул қилаётганлигини билади. Бу хис қилишнинг асосий тушунчалари бўлиб, тарихий кўринишга эга бўлиб, қабул қилиш жараёнида таққослашни таъминлаб беради. Уларга геометрик шаклларнинг тартиблари, катталикларнинг шкалалари, оғирлик ўлчовлари, юқори товушлар қатори, ранглар жилоси, она тилининг фонетик таркиби киради. Юқорида кўрсатилган ҳамма тушунчалар бола томонидан ўз вақтида эгалланган бўлиши зарур. Қабул қилиш жараёнида бола аста секинлик билан кўриш, эшитиш, ҳаракат, билиш образларини орттириб боради. Лекин бунда бола предметларнинг муносабати ва белгиларини қабул қилиш жараёнида, бу муносабатлар ва белгилар сўзлар билан изоҳланган бўлиши керак. Бу эса предметнинг образлари ҳақида тасаввурларни мустаҳкамлайди, уларни яна ҳам аниқлаштиради. Агар қабул қилиш образлари сўзлар билан мустаҳкамланган бўлса бир қанча вақт ўтишига қарамай бола тасаввурларида уйғотиш мумкин. Бунинг учун керакли сўзга жавоб берадиган – бирикмани айтиш кифоядир.

3. Нутқ бузилишларида учрайдиган идрок жараёнининг алоҳида хусусиятлари

Идрок қилишнинг фонематик бузилиши нутқда камчилиги бўлган болаларнинг ҳаммасида белгиланади, бунда нутқ эшитиш ва нутқ ҳаракат анализаторлари орасидаги боғлиқлик бўлмаслиги кузатилади. Маълумки, дизартрия ва ринолалияда учрайдиган нутқ ҳаракат анализатори функциясининг бузилиши, товушларни эшитиш орқали қабул қилишга таъсир қилади. (Г.Ф.Сергеева). Бунда ҳар доим ҳам товушларни талаффуз қилишида бузилишлар ва қабул қилишидаги бузилишлар учрамайди.

Нутқ нусонига эга бўлган болаларда товушларни ажратишда қийинчиликлар учрайди, бу эса нутқнинг товуш томонини ривожланишига ўз таъсири кўрсатади. Булар яна иккиламчи нуқсон сифатида товушларни талаффуз қилишга ҳам ўз таъсири кўрсатади. Бундай болалар нутқдаги камчиликлар, артикулятсион аппарати камчиликлари асосида товуш талаффуз қилишдаги ўзгаришлар, қўпгина алмаштиришлар, артикулятсион аппарат ўз функциясини тўлиқ бажармаслиги натижасида фонематик қабул қилишга биринчи ўринда таъсир қилиб, унинг шаклланишига йўл қўймайди.

Базида бундай болаларда баъзи-бир товушларни эшитиб, ажратиш кузатилиши мумкин, лекин бу товушлар талаффуз этилишида тўсқинликлар бўлмайди, бошқа ҳолларда эса осон талаффуз этиладиган худди шундай товушлар талаффузида қийинчиликлар кузатилиши мумкин. ҳар ҳолда бу ерда нисбийлаштирилган аниқликлар мавжуд: қанчалик товушлар талаффузида кўпроқ шаклланса, шунчалик товушларни эшитиб, ажратиш муваффақиятли амалга ошади.

Қанчалик товушларни талаффуз қилишда таянч кам бўлса, шунчалик фонетик намуналарни шаклланишига шароит бўлади. Фонематик эшитишнинг шаклланиши туғри манода боланинг нутқ томонларини ҳаммасига тасир этади, боланинг умумий ривожланишига боғлиқ бўлади.

Кўриш орқали қабул қилишни текшириш ишлари бизга шундай хулосалар чиқаришни берадики, нутқида нуқсони бўлган мактаб ўқувчиларида бу функция ўз нормасида қолади ва улар образларни яхлитлигича идрок этади. (Е.М.Мастюкова). Текширишлардан кўринишича, бор объектларни ва тасвирларни кўриб, билиш бу болаларда нормадаги болалардан фарқ қилмайди.

Вазифалар мураккаблаштирилганида қийинчиликлар пайдо бўлади (предметлар қўйилган ҳолатда бўлганида). Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар предмет образларини белгиланган шароитларда белгиланган шароитларда белгиланган қийинчиликлар билан қабул қиладилар, қарорни қабул қилиш вақти чўзилади, болалар ўз жавобларига ишонмай иккиланадилар, танишда хатоликлар белгиланади, ахборотлар ортган сари предметнинг белгиларини ажратиш ҳам камаёди.

Бу турга кирувчи болалар соғлом болаларга қараганда, нутқи билан ажралиб туриб, уларга қараганда оддий юналишли тушунчаларни танлашади. Кўпчилик нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар фигураларни кўриш жараёнида унинг шаклига эмас, рангига аҳамият берадилар.

Кичик мактаб ёшидаги нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларнинг кўриб идрок этишини текшириш жараёнида дизартрия, алалия туридаги нутқ бузилишлари ўзига тегишли бўлган белгилари ўрганилди: Оптик-атроф-муҳитга тегишли бўлган белгилар, атроф-муҳитга тегишли бўлган тасаввурлар, юзга тегишли бўлган белгилар, бармоқлар ва оғиз орқали, тактил-ҳаракат азолари орқали идрок этиш (Л.С.Светкова, Т.М.Пирсхалайшвили).

Оптик-атроф-муҳитни идрок этишнинг бузилиши бош мияси органик жарохатланган болаларда учраши аҳамиятлидир. Л.Бендер методикаси буйича ўрганиш натижасида, кичик мактаб ёшидаги болаларда, нутқ нуқсони билан бирга улар фаолиятида, хусусан, расм чизиш жараёнида конструкциялар яшаш жараёнида, грамматикани ўргатиш жараёнида, соғлом ривожланаётган тенгдошларига нисбатан уларда бу фаолиятлар пастлиги кузатилган. Атроф-муҳитни идрок этиш жараёни нутқи тўлиқ ривожланиши орқада қолган болалар ва алалия болаларда бирмунча яхшироқ ривожланади.

Оптик-атроф-муҳитни идрок этиш жараёнини бузилиш даражаси, шунингдек бошқа идрок жараёнлари тўлиқ бўлмаслигидан ҳам шаклланмайди,

алоҳида атроф-муҳитни тасаввур қилишнинг шаклланиши бу жараёнда аҳамиятлидир.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган мактаб ўқувчиларини текшириш жараёнида, бу болалар харфлар белгиларга эга эканликлари аниқланган: улар қийинчиликлар билан харфлар ёзишни эгаллайдилар, харфларни танимайдилар, бир-бирига қуйиш, харфларни номини айтиш ва таққослаш жараёнида қийинчиликлар кузатилади, график чиқарилган, хатто босма шрифтларни бетартиб берилишида айта олмайдилар. Бу билан боғланган ҳолда болалар хат ёзувга тайёр эмасликлари аниқланади. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларнинг атроф-муҳитда мўлжал олишларини жараёнида, шу нарсалар алоҳида аниқланганли, улар асосан “ўнг” ва “чап” тушунчаларини тартиблаштиришда қийналадилар, объектнинг турар жўйини аниқлашда, шунингдек улар ўз таналарида мўлжал ола билмайдилар. Атроф-муҳитни идрок этиш ҳозирги вақтда турли хил анализаторларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш деб қаралади. Бунда бош мия қисмларининг соғлом функциясига катта аҳамият берилади. Асосан кўп тарқалган нуқсонлар нутқ мактабларининг 1-синфида ва тайёрлов синфларида ўқиётган болаларда учраши аниқ тарқалган ҳолдир.

Идрок этишнинг бузилиши болаларнинг расмларни чизишида сақланган бўлади: расм ва тасвирлар камбағаллиги билан ажралиб туради, деталлар микдорининг камлиги, оддийлиги, соддалиги, мураккаб эмаслиги, шунингдек оптик-атроф-муҳитни идрок этишдаги бузилишларнинг микдори характерлидир(алалия болаларда).

Лекин нутқ бузилишларига эга бўлган болаларда атроф-муҳитни идрок этишнинг бузилиши белгиланган тартибдаги характерни касб этади, компенсаторлик вазифаси белгиланади.

Атроф-муҳитни идрок этишнинг бузилиши айрим ҳолларда ёзув нуқсонлари билан кузатилиши мумкин (Дислексия ва дисграфия) санашнинг бузилиши, бу каби ҳолатлар нутқ бузилишларида кузатилади. Тадқиқотлар кўрсатишича, предметлар орасидаги алоқалар, улар орасидаги фаолияти импрессив нутқнинг сақланганлигини билдиради. Лекин экспрессив нутқда болалар оғир нутқ нуқсонларига эга бўлган ҳолда, нутқий мулоқот воситаларини бу муносабатларда нотўғри ифодаляйдилар. Бу улар тилда семантик тартибини сақланганлиги бўлмаслиги билан боғлангандир.

Юз белгиларини текшириш жараёнида (Тара методикаси бўйича) бу бузилиш (асосан оғиз азолари мускуллари билан боғлиқ) товушларни талаффуз қилишдаги оғир нуқсонлар билан боғланган бўлади. Асосан, бу турдаги юз белгилари-дизартрия ва алалия болаларда учрайди.

Тактил-ҳаракат азолари орқали идрок этиш ва оғиз нуқсонлари умумий методикалар орқали текширилган, шунингдек адабиётларда ҳам ёзилган бўлиб, Р.Л.Рингел методикаси ёрдамида, болага предметнинг шаклини аниқлаш берилади, бу предметлар эса оғизга жойлаштирилган бўлади. Кўпгина тасвирланган нуқсонлар асосан кўпол, экспрессив нутқ бузилишларида учрайди. (айрим ҳолларда алалияда дизартрия болаларда нутқнинг фонетик томони бузилганлигида кўринади). Сезиларли бузилишлар тактил-ҳаракат

азоларида юздаги кўпол белгилар билан болаларда бармоқларда белгилар топилмаган.

Турли хил дизартрия нуқсонли болаларда, нутқи ривожланиши орқада қолган болаларда кўриш орқали идрок этишнинг орқада қолиши ва ривожланиши бирламчи интеллектуал бузилишлари билан бирга кўрсатилади ва бошқа тадқиқотлар ишлари олиб борилади.

Нутқи бузилган ҳамма болаларда фонематик идрокнинг бузилиши, шубҳасиз нутқ-эшитиш ва нутқ-ҳаракат қилиш анализаторларининг алоқасида кузатилади. Г.Ф.Сергееванинг белгилашича, дизартрия ва ринолалияда нутқ-ҳаракат қилиш функцияларининг бузилиши эшитишнинг идрок фонемасига жуда таъсир кўрсатади. Бунда товушларни талаффуз қилишнинг бузилиши ва идрокнинг бузилиши орасида тўғридан-тўғри бўйсунуш кузатилмайди. Бунда товуш талаффуз қилишни ва идрок қилишнинг бузилиши орасидаги тўғри бўйсунуш ҳамиша ҳам кузатилмайди. Шундай қилиб қатор ҳоллар талаффузга қарши қўйилмаганлари ўша фонемаларнинг эшитиш билан фарқи кузатилади, бошқа ҳолларда эса талаффуз пайтида ажраладиган фонемалар фарқланмайди. Шунга қарамасдан бу ерда аниқ мутаносиблик кузатилади: талаффузда қанчалик кўп товушлар сони ажралса, ўшанча фонеманинг эшитишдан фарқи муваффақиятли рўй беради. Талаффузда қанча “кам суянчиқ” бор бўлса, фонематик образларнинг шаклланиши учун шунчалик шароит ёмонлашади. Фонематик эшитишнинг ривожланиши эса нутқнинг ҳар томонлама ривожланиши билан тўғридан-тўғри алоқасидан ташкил топган, бу эса ўз ўрнида боланинг умумий ривожланишига сабаб қилиб олинган.

Агар нутқида камчилиги бор мактаб ёшига етмаган болаларда шу психик функция ўз ривожланиш меъёридан орқада қолса предметнинг яхлитлиги образини етарлича шаклланмаганлиги билан ҳарктерланади. Тадқиқотлар бу болаларда аниқ объектларни ва уларнинг тасвирини содда кўриш қобиляти билан таниб қолишни фарқ қилмаслигини кўрсатади. Қийинчиликлар вазифалар мураккаблашганида кузатилади (шовқин кўтарилган ҳолатларда, нарсалар боғланган ҳолатда бўлса таниб қолиш). Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар предмет образини мураккаб шароитда муайян қийинчиликлар билан қабул қиладилар: қарор қабул қилиш вақти чўзилиб кетади, болалар ўзларининг жавобларини тўғрилигига ишонч ҳосил қилмайдилар, таниб қолишда хатолар белгиланади. Нарсаларнинг ахборот белгилари камайиши натижасида, таниб олинган хатоларнинг сони кўпаяди.

Бу тоифадаги болалар кўпинча (еталонга тенглаштириш) персептив ҳаракат бўйича эталонда қўлланадиган мўлжалланган вазифаларни оддий турларидан фойдаланадилар, кўпинча нутқи меъёридаги болалардан фарқли кўриш қобилятининг ўзаро муносабатида фойдаланадилар. Нутқи ривожланмаган болалар шаклларни уларнинг турига эмас, балки рангига қараб тенглаштиришни мўлжаллайдилар. Кўпинча ўғил болаларнинг натижалари қиз болаларникига қараганда анча паст бўлади (Л.И.Белякова, Ю.Ф.Гаркуша, О.Н.Усанова, Э.Л.Фигередо).

Кўриш идрокини тадқиқ қилишда (Е.М.Мастюкова) кичик мактаб ёшидаги болаларда нутқ ривожланишининг тўхтаб қолиши (НРТ), дизартрия ва алалия

хилидаги нутқ бузилишида куйидаги гностик функциялар ўрганилган: оптик-фазовий гнозис, фазовий тасаввурлар, юз гнозиси, бармоқ ва орал стереогнози.

Болалар саводини чиқаришда оптик-фазовий гнозисни ривожлантириш зарур шартдир. Кўп болалар учун мианинг органик шикастланганлиги кўрсатилган функцияларнинг бузилиши характерли ҳисобланади.

Л.Бендернинг оптик-фазовий гнозис методикасини ўрганиш ёрдами натижасида, ҳамда нутқида патологияси бор болаларни расм чизиш, конструкция қилиш жараёнини ва савод чиқариш фаолиятини кузатиш давомида аниқланишича, кичик мактаб ёшидаги болаларда бу функция меъёрда ривожланаётган тенгдошларига таққосланганда анча паст даражани ташкил этади. Фазовий идрокнинг ривожланиш динамикасини кузатиш жараёнида аниқланишича, бу динамиканинг нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларда қулайлиги кўпроқ, алалида эса қулайлиги камроқ экан. Оптик-фазовий гнозиснинг бузилиш даражаси идрокнинг бошқа жараёнларини айниқса фазовий тасаввурларнинг етишмаслигига боғлиқ.

А.П.Воронова (1993) нутқи тўлиқ ривожланмаган мактаб ёшига етмаган болалар устидаги тадқиқотларида қайд қилишича, бу тоифадаги болалар кўп ҳолларда ҳарфий гнозиснинг паст ривожланиш даражасига эга бўладилар: улар ҳарфларни қоидали ва силлиқ ёзишни қийинчилик билан фарқлайдилар, бир-бирини устига қўйилган ҳарфларни танимайдилар, уларда график томондан тўғри келадиган, ҳарфлар номини аташ ва солиштиришда, ва хатто босма ҳарфларнинг номини аташда қийинчилик кузатилади. Шунга кўра кўп болалар хат ёзувни эгаллашга тайёр бўлмайдилар.

Маълум бўлишича нутқи ривожланмаган болаларнинг ўзи турган жойни аниқлаш хусусиятини ўрганишда объектни жойлашган жўйини билдирувчи «ўнг томон» ва «чап томон» тушунчаларини ажратиб олишда қийналадилар, ҳамда ўз баданининг жўйини аниқлашда, айниқса вазифалар мураккаблашганда қийинчиликлар кузатилади.

Борлиқни идрок қилиш ҳозирги вақтда турли анализаторлар қўшма фаолиятининг натижаси сифатида кўриляпти. Шунга кўра мианинг тепа қисми меъёрда ишлаб туришига муҳим аҳамият қаратилади.

Е.М.Мастюкованинг маълумотларига кўра, аниқ фазовий бузилишларнинг кўпчилиги нутқ мактабларининг тайёрлов ва биринчи синф болаларида белгиланади.

Фазовий бузилишлар, айниқса, одам суратини чизишда яққол кўринади: тасвирлаш қашшоқлиги билан, деталлар сонининг камлиги ва оддийлиги, ҳамда ўзига хос оптик-фазовий бузилишларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради (алалияли болаларда). Бироқ, нутқи бузилган болаларда фазовий бузилишлар аниқланувчи жўшқинлик, компенцияли фикр билан характерланади. Фазовий бузилишларда ёзма нутқ тартибсизлиги қаттиқлигининг ифодаланишини алоҳида ўрни борлиги (дислексия ва дисграфия), нутқ тартибсизлигида кузатилиши мумкин бўлган ҳисобнинг бузилиши деб топилди. Амалий-предмет фаолиятида фазовий муносабатларнинг муҳит кўринишлари ўртасидаги ўрнатилган тадқиқотлар қобилятини ва импрессив нутқда уларни тушуниш қобилятларининг сақланганлиги кўрсатилган, лекин экспрессив

нутқда, нутқида оғир патологияси бор болаларда муносабатларини акс эттириш учун тил воситаларини топа олмайдилар ёки нотўғри тил воситаларидан фойдаланадилар. Бу уларда сақланган семантик дастурнинг тил кўринишига қайта кодлаштириш жараёнининг бузилиши билан боғлиқ.

Юз гнозисининг тадқиқи (Тарде методикаси ёрамада) ифодаланиш ва бўйсунуш орасидаги юз гнозисининг бузилишини (айниқса, орал мускуллари доирасида) ва товуш талаффузи бузилишларининг оғирлигини кўрсатади. Юз гнозисининг кўпроқ ифодаланган бузилишлари дизартрия ва алалияли болаларга хос.

Орал ва бармоқ стереогнозисининг бузилиши рус адабиётларида таърифланган умумий методика асосида тадқиқ қилинган. (А.Р. Лурия ва б.), ҳамда Р.Л.Рингел методикаси ёрдамада, болага оғзига солинган нарсаларнинг шаклини аниқлаш таклиф қилинган. Олинган маълумотларнинг таҳлилида белгиланишича, экспрессив нутқи кўпол бузилган болаларда орал стереогнозиснинг бузилишлари кўпроқ белгиланади (нутқнинг фонетик томони бузилишини айнақса, алалияли ва дизартрияли болаларда). Бундан ташқари орал стереогнозиснинг ифодаланган бузилишлари юз гнозиси кўпол бузилган болаларда ҳам кузатилади. Нутқи бузилган болаларда бармоқ стереогнозисининг бузилиши аниқланмаган (Е.М.Мастюкова, 1991).

Бирламчи интеллектуал бузилишларнинг йўқлигида нутқ ривожланишининг тўхтаб қолиши билан турли хил шаклдаги дизартрияли болаларда кўриш қобилиятининг ва нарсалар образини кўришнинг ривожланишини орқада қолишини бошқа тадқиқотлар ҳам кўрсатади (Л.С.Светкова, Т.М.Пирсхалайшвили). Бу тадқиқотларда кўрсатилишича, нутқи патологияли болаларда кўриш доирасининг бузилиши асосан образларни куришнинг қашшоқлиги ва фарқ қилолмаслик, кўриш изларининг сустлиги ва маҳкам эмаслиги, ҳамда предметни кўриш тасаввурининг сўз билан алоқаси мустаҳкамлиги ва айнанлигининг йўқлиги аниқланди. Нутқида камчилиги бор мактаб ёшига етмаган болалар учун кўриш идрокиннинг ва нарсалар образини кўришнинг ва кам даражада кўриш оператив хотирасининг бузилиши кўпроқ хос бўлади, кўриш идроки интеллектуал камчилиги бор болаларда кўпол бузилган бўлиши мумкин, гарчи кўриш идроки бу гуруҳ болаларида камроқ бузилган бўлади.

Тест топшириқлари

1. Идрок бу ...

А) йўқ нарсани ҳис қилиш

Б) шахс теваарак-атрофидаги воқеаларни акс этиши

Г) сезги аъзоларига бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларнинг образларининг киши онгида бир бутун ҳолда акс эттирилишидир

Д) сезги аъзоларига таъсир этиб турган нарса ва ҳодисалар айримларини акс этиши

2. Сезги аъзоларимизга бевосита таъсир этиб туриб, онгимизда бир бутун ҳолда акс этишига ... дейилади.

А) сезги

Б) идрок

Г) хаёл

Д) тафаккур

3. Тезлиги, аниқлиги, тўлалиги - бу идрокнинг

А) хусусияти

Б) ҳаракат сифатлари

Г) идрокнинг сифатлари

Д) идрокнинг структуравийлиги

4. Йўқ нарсаларни идрок қилиш бу ...

А) идрок

Б) хаёл

Г) иллюзия

Д) галлюцинация

5. Галлюцинация - бу ...

А) бор нарсани нотўғри идрок қилиш

Б) йўқ нарсани идрок қилиш

Г) идрокнинг шахс ва унинг тажрибасига боғлиқлиги

Д) йўқ нарсани нотўғри англаш

6. Идрок константалиги бу...

А) нарсалар шароити ўзгарсада образи ўзгармаслиги

Б) шахснинг идрок қилиш қобиляти

Г) вақтни идрок қилиш

Д) ҳаракатни идрок қилиш

7. Иллюзия бу...

А) бир нимани ҳис қилиб англаш

Б) шахснинг идрок қилиш қобиляти

Г) бор нарсани нотўғри, янглиш идрок қилиш

Д) йўқ нарсани идрок қилиш

8. Идрокнинг ўзига хос хусусиятилари қайси қаторда кўрсатилган?

А) предметлиги, яхлитлиги

Б) структуралиги

В) константлиги, мантиқийлиги

Г) танланганлиги

Д) барча жавоблар тўғри

Асосий адабиётлар:

1. Муминова Л.Р., Аюпова М.Ю. Логопедия. –Т.: Ўқитувчи, 1993.

2. Аюпова М.Ю. Логопедия. –Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. 2007 й.

3. Муминова Л.Р., Амирсaidова Ш., Абидова Н ва бошқалар. Махсус психология. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013.

Қўшимча адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги нутқ // Халқ сўзи. 2017 йил 16 январ, № 11.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016.

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

5. Колесникова Г.И., Кабарухина И.А. Специальная психология и педагогика. Ростов на - Дону. 2007.

6. Специальная психология. Под. ред. Лубовского В.И. Учебное пособие. – М.: 2005.

7. Косякова О.О. Логопсихология. –М.: Феникс, 2007.

8. Трошин О.В, Жулина Е.В. Логопсихология. –М.: Владос, 2005.

9. Калягин В.А., Овчинникова Т.С. Логопсихология –М.: Академия, 2006.

5-мавзу. Нутқида камчилиги бўлган болалар мнестик фаолиятининг хусусиятлари **Режа:**

1. Хотира ҳақида умумий тушунча.
2. Нутқ бузилишларида хотира хусусиятлари.
3. Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг хотирасини ўрганиш услубиятлари.

1. Хотира ҳақида умумий тушунча

Хотира – бу индивид орқали тажрибасининг эслаб қолинишини сақланиши ва келгусида қайта тикланиши. Хотирага, шунингдек, унутиш ҳам киради. Бу жараёнлар фаолиятда шаклланади.

Материални эслаб қолиш, ҳаёт фаолияти жараёнида индивидуал тажрибанинг тўпланиши билан боғлиқ. Эслаб қолинганни келгусида қўллаш учун қайта тиклаши зарурдир. Хотирада материални сақлаш, унинг шахс сифатида иштирок қилишига боғлиқ. Фаолиятдан маълум бир материални тушиб қолиши уни унутишга олиб келади.

Муайян белгиларига кўра, бирлашадиган кўпгина хотира турлари мавжуд:

1. Етакчи анализаторларга кўра:

- кўриш;
- эшитиш;
- сезиш;
- ҳид билиш;
- таъм билиш.

2. Предмет, фаолият материалига кўра:

- ҳаракатлантирувчи;
- ҳиссий;
- тасаввурли;

- оғзаки.

3. Эслаб қолиш давомийлигига кўра:

- қисқа муддатли;

- узоқ муддатли;

- тезкор.

4. Руҳий фаоллик шаклига кўра:

- ихтиёрий;

- ихтиёрсиз;

- ихтиёридан сўнгги.

Шундай қилиб, хотира – шахс руҳий ҳаёти бирлиги ва бутунлигини таъминловчи муҳим тавсифлардан биридир. Унинг ўтмишдаги тажрибаси сақланиб қолиниши деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Хотиранинг индивидуал фарқлари унинг жараёнлари хусусиятида намоён бўлади, яъни турли хил инсонларда эслаб қолиш ва қайта тиклаш қандай қилиб амалга оширилишида ва айнан нима эслаб қолинишида намоён бўлади. Бу белгилар турли хил жиҳатдан ҳар бир инсон хотираси унумдорлигини тавсифлайди.

Индивидуал бўлиб эслаб қолиш тезлиги, аниқлиги мустаҳкамлиги ва қайта тиклашга тайёргарлик ҳисобланади. Бу тавсифлар, шунингдек, юқори нерв фаолияти турлари хусусияти, кўзғалиши ва тормозланиш жараёнлари ҳаракатчанлиги билан боғлиқ.

Турли хил хотира турлари мавжуд: кўргазмали – тасаввурли, сўзли – мавҳум ва оралиқ. Бу турлар инсон юқори нерв фаолияти сигнал тизимларининг биринчи ва иккинчи турлари ўзаро нисбатига боғлиқ. Хотира у ёки бу турининг устунлиги, хусусан, инсон ҳаёти ва фаолияти шарт – шароитларига боғлиқ. Масалан: кўргазмали – тасаввурли хотира тури кўпинча рассомларда учрайди.

Кўргазмали – тасаввурли хотира тури турли хил таассуротларни эслаб қолишда қандай анализатор унумдорли бўлишига қараб фарқланади. Шунга мувофиқ ҳаракатлантирувчи, кўриш ва эшитиш хотирасини фарқлайдилар. Бу турлар алоҳида жуда кам учрайди. Кўп ҳолда аралаш турини учратиш мумкин: кўриш – ҳаракатлантирувчи, кўриш – эшитиш, эшитиш – ҳаракатлантирувчи.

Хотира тузилишининг тартибсизлиги ҳукмрон турга боғлиқ. Шундай қилиб, хотира ҳажмининг бузилши бош мия ярим шарининг дисфункциясига, тақдим этилган маълумотларни тиклаш тартибидаги қийинчиликлар эса – ўнг ярим шарининг дисфункцияси билан боғлиқ.

Инсон ўз хотирасининг мувофиқ хусусиятларини, унинг унумдорлигини ошириш учун ишлатади.

2. Нутқ бузилишларида хотира хусусиятлари

НТР болалар хотираси тадқиқотлари билан Г.С.Гуменная, М.И.Беляжова, Ю.Ф.Гаркуша, О.Н.Усанова ва бошқа олимлар шуғулланганлар. Аниқланишича, бундай болалар кўриш хотираси кўлами деярли меъёргаидан фарқланмайди.

НТР болаларда мнестик функцияларни (хотирани) тадқиқ қилишда маълум бўлишича, уларнинг кўриш хотираси меъёрдан ҳеч қандай фарқ қилмас экан.

Дизартрияли болаларда геометрик фигураларни эслаб қолиш эҳтимоли истисно қилинади. Бу болаларда шу соҳадаги паст натижалар ифодаланган идрокнинг бузилиш шакллари, фазовий тасаввурнинг бўшлиғи билан боғлиқ (И.Т.Власенко, 1990). Тадқиқотлар эшитиш хотираси ҳажмида катта турланишини ҳамда шу функциянинг баъзи умумий пастлашишини кўрсатади. Бу билан бирга эшитиш хотирасининг даражаси нутқ ривожланиши даражасининг пасайиши билан пасаяди. Шундай қилиб, нутқ ривожланиши тўхтаб қолган болаларда ифодаланган тафовутлар оғзаки ва кўриш хотирасининг ҳажмида кузатилмайди. А.Р.Лурия ва бошқаларнинг «10 та сўз» методикаси ёрдамида олдиндан эслаб қолишни тадқиқ қилишда, нутқида оғир бузилишлар бўлган болаларда қатор хусусиятлар учрайди: улар вазифалар шароитида секинроқ мўлжал олишади ва уларнинг натижаларини солиштирганда меъёрдан пастроқ бўлади.

Мотор алалияли болалар биринчи айтилгандан кейин (ешитиб туриб) фақатгина бир қанча сўзларни қайта тиклайди, бунда улар бир сўзни бир неча марта қайтариши мумкин ёки янги сўзлар айтади (парамнезия). Оғзаки парамнезиялар бу турга кирувчи болалар учун ўзига хос нутқ фикрлаш тизимини ички ўзгарувчанлигини акс эттиради. Парамнезияга берилувчанлик дизартрияли болаларга хос эмас. Нутқида патологияси бор болалар қўйилган хатоларини эътиборга олмайдилар ва тузатмайдилар. Ҳамма болаларда сурилишни тиклаш бир хил паст бўлар экан. Улар 10 дақиқадан сўнг 5 та сўзни, кейинги кун – 1-3 та сўзни тиклайди. Мотор алалияли болалар учун ўнта сўзнинг ўртадаги қисмларини тиклаш айниқса қийин бўлар экан.

Хотиранинг тадқиқоти шундай хулоса қилишга имкон берадики, бу турдаги болаларни меъёрда гапирадиган соғ болаларга нисбатан солиштирганда эшитиш хотираси ва эслаб қолиш унумдорлиги анча пастлашган. Болалар тез-тез мураккаб йўл-йўриқларни эсларидан чиқариб қўядилар (учта, тўртта поғонали), берилган вазифаларнинг кетма-кетлигини алмаштирадилар ва баъзи белгиларни тушириб қолдирадилар. Болалар йўл-йўриқни аниқлаш мақсадида нутқ мулоқотида таянмайдилар (Л.И.Белякова, Ю.Ф.Гаркуша, О.Н.Усанова, Э.Л.Фигередо, 1991).

Фаолият тузилишининг бузилиши, йўл-йўриқни аниқ бўлмаган ва қисқа - қисқа идрок қилиш, фақатгина эшитиш хотирасининг пасайиши билан эмас, балки диққат-эътиборнинг хусусиятлари билан ҳам боғланган.

Қайта тиклашдаги йўлга қўйилган хатоларни нутқ бузилишига эга болалар одатда сезмайди ва тўғирламайди. Кечиктирилган қайта тиклаш барча болалар тоифасида бир хилда қуйи (паст) бўлиб чиқади. Масалан: улар 10 дақиқадан кейин бешта сўзни, кейинги кунда бир – учта сўзни қайта тиклайди. Мотор алалияли болалар учун ўнта сўз ўртасидаги сўзларни қайта тиклаш, айниқса, мураккабдир.

Хотира бузилишининг тузилиши доминантлик турига боғлиқ. Хотира кўлами бузилиши бош миянинг чап ярим палласи дисфункцияси билан,

берилаётган материал тартибини қайта тиклашдаги қийинчиликлар эса ўн ярим палла дисфункцияси билан боғлиқ.

Болалар кўпинча мураккаб кўрсатмаларни унутади, баъзи белгиларини тушириб қолдиради ва ҳаракатлар кетма – кетлигини алмаштиради.

Шундай қилиб, мазкур тоифадаги болаларда қуйидаги хотира хусусиятлари кузатилади:

- кўриш хотираси кўлами деярли меъёрга тўғри келади, геометрик фигураларнинг эсда қолиши бундан мустасно;
- эшитиш хотираси вазифанинг умумий пасайиши;
- кечиктирилган қайта тиклашнинг қуйи даражаси;
- мазмунли, мантиқий эслаб қолишнинг нисбатан сақланиши.

Аммо, бу турдаги болаларда бор қийинчиликларга қарамасдан фикрлаш, мантиқий эслаб қолиш имкониятлари нисбатан сақланган бўлиб қолади.

3. Хотирани ўрганиш услубияти

Тезкор хотира.

Услубият қисқа муддатли хотира ривожланиши даражасини ўрганиш учун мўлжалланган.

Болага кўрсатма берилади: «Мен ҳар бир қаторда бештадан бўлган ўн қатор сонларни ўқийман. Сенинг вазифанг – бу сонларни ўқилган тартибда эслаб қолиш, кейин бўлса хаёлда биринчи сони иккинчиси, иккинчисини учинчи билан, учинчини тўртинчи билан, тўртинчини бешинчи сон билан кўшиш, олинган тўртта йиғиндини керакли қаторга ёзиш».

Эслатма: методикада қўлланадиган қаторлар сони ёш хусусиятларига кўра ҳар қаторда тўрттадан сон бўлган беш қатордан максималгача ўзгариши мумкин. Қаторларни ўқиш орасидаги вақт ёшга кўра 15 – 25 сония бўлиши керак.

Узоқ муддатли хотира.

Услубият узоқ муддатли хотира ривожланиши даражасини ўрганиш учун мўлжалланган.

Болага кўрсатма берилади: «Ҳозир мен бир қатор сўзларни ўқийман, сен эса, уларни эслаб қолишга ҳаракат қил. Тайёрлан, диққат билан эшит: стол, совун, одат, вилка, китоб, палто, болта, дафтар, сут, шим». Сўзлар қатори бир неча бор ўқилади. Текширув 10 дақиқадан кейин, уч кун амалга оширилади.

Интерпритация. Узоқ муддатли хотира коэффиценти қуйидаги формулага кўра ҳисоблаб чиқилади: $C = B/A \times 100\%$, бу ерда: А - умумий сўзлар сони; В – эслаб қолинган сўзлар сони; С – узоқ муддатли хотира коэффиценти.

Жуфтликни эслаб қол.

Методика мантиқий ва механик хотира ривожланганлик даражасини ўрганиш учун мўлжалланган.

Икки қатор сўз берилади. Биринчи қатордаги сўзлар орасида маънавий боғланишлар мавжуд, иккинчи қаторда эса бундай боғланиш йўқ.

Тадқиқотчи ўрганилаётган қатордаги ўн жуфт сўзларни ўқийди (жуфтлик орасидаги вақт – 5 сония). 10 сониялик танаффусдан сўнг қаторнинг чап

томонидаги сўзлар ўқилади, синалаётган бола эса эслаб қолинган ўнг қатордаги сўзларни ёзади.

Интерпритация (талқин). Мантиқий хотира коэффиценти $C1$ куйидаги формулага кўра ҳисоблаб чиқилади: $C1 = A1/B1$, бу ерда: $A1$ – биринчи қатор сўзлари сони; $B1$ – эслаб қолинган сўзлар сони.

Назорат саволлари:

1. Хотира тушунчасининг мазмуни нималарда кўринади?
2. Хотира турларининг моҳиятини кўрсатинг.
3. Хотира жараёнлари моҳиятини изоҳланг.
4. Нуткида нуқсони бўлган болалар ривожланишида хотира тасаввурларининг ўрнини қандай изоҳлайсиз?
5. Хотирани ўрганиш услубиятларига мисол келтиринг.

Асосий адабиётлар:

1. Муминова Л.Р., Аюпова М.Ю. Логопедия. -Т.: Ўқитувчи 1993.
2. Аюпова М.Ю. Логопедия. –Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. 2007.
3. Муминова Л.Р., Амирсайдова Ш., Абидова Н ва бошқалар. Махсус психология. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013.

Қўшимча адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги нутқ // Халқ сўзи. 2017 йил 16 январ, № 11.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. –Т.: Ўзбекистон, 2016.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
5. Колесникова Г.И., Кабарухина И.А. Специальная психология и педагогика. Ростов на - Дону. 2007.
6. Специальная психология. Под. ред. Лубовского В.И. Учебное пособие. – М.: 2005.
7. Косякова О.О. Логопсихология. –М.: Феникс, 2007.
8. Трошин О.В, Жулина Е.В. Логопсихология. –М.: Владос, 2005.
9. Калягин В.А., Овчинникова Т.С. Логопсихология –М.: Академия, 2006.

6-мавзу: Нуткида камчилиги бўлган болалар тафаккурининг хусусиятлари

Режа:

1. Тафаккур ҳақида тушунча.

2. Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг тафаккур хусусиятлари.

1. Тафаккур ҳақида тушунча

Тафаккур – атрофдаги борликни акс этишига имкон берадиган инсон билиш фаолиятини олий шакли, предмет ва ҳодисалар ўртасидаги алоқа ва муносабатни ўрнатади.

Тафаккурнинг асосий вазифалари:

- умумий ўзаро алоқаларни ўрнатиш;
- муайян синф ҳодисалари тури сифатида аниқ ҳодисалар моҳиятини тушунтириш;
- бир хил гуруҳ ҳодисалари хоссаларини умумлаштириш.

Муайян белгиларга кура бирлашадиган фикрларнинг бир неча турлари ажратилади:

1. Шаклига кўра:

- кўргазмали – таъсир килувчи;
- кўргазмали – тасаввурли;
- мавҳум – тасаввурли.

2. Янгилиги ва ўзига хослиги даражасига кўра:

- репродуктив (қайта тикловчи);
- продуктив (ижодий).

3. Хал қилинадиган вазифалар тавсифига кура:

- назарий - амалий;

4. Тузилишига кўра:

- дискурсив - интуитив.

Тафаккур қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- таҳлил килиш (хаёлий предмет, ҳодиса, ҳолатларни қисмларга ажратиш ва таркибий белги, қисм, тарафларни аниқлаш);

- синтез (турли хил белгилар ўртасидаги алоқани таққослаш, қиёслашни ўргатиши);

- мавҳумлаштириш (предмет асосий хоссаларини ноасосийлардан ажратиш);

- солиштириш (қандайдир объектларни таққослаш ва улардаги умумий ёки фаркли белгиларни ажратиш);

- умумлаштириш (икки ёки бир қанча таққослаш ва умумийсини ажратиш).

Тафаккур ўзига хос тузилишга эга, унга қуйидагилар киради:

- вазифа шартларини тушиниши, тегишли белгиларни таҳлил килиш, белги ва боғлиқликларни ажратиш;

- стратегияни ишлаб чиқиш;

- муваффақиятли бажариш усулларини қидириш (бажарувчи босқич);

- жавобни топиш;

- бошланғич шартлар билан натижаларни қиёслаш;

Тафаккур шакллари, тушиниши, тўғри уйлаши, хулоса чиқариши фикрни сўзлар билан ифодалаш босқичлари:

- фикр, уй билдириш сабабини аниқлаш, билдириш схемасини яратиш;

- грамматик тузилишларини фаоллаштириш – ташқи ёпиқ нутқ оркали фикр билдириш.

2. Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг тафаккур хусусиятлари

Болалар психик ривожланишининг бошқа томонлари билан нутқ бузилишининг чамбарчас боғлиқлигига улар тафаккурининг ўзига хос баъзи хусусиятлари сабаб бўлади.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларни интеллектнинг жалб этилмаган (новербал) шароитига қараб уч гуруҳга ажратиш мумкин (О.Н.Усанова, Т.Н.Синякова):

1) жалб этилмаган интеллектнинг ривожланиши баъзи болаларда меъёрадан бирмунча фарқ қилади. Бунда интеллект ривожланишининг шу ўзига хослиги нутқдаги қийинчиликлар билан боғланмаган ва уларга бўйсунмайди. Муаллифларнинг маълумотларига кўра, бу гуруҳни НТР ли болаларнинг 9% и ташкил этади.

2) жалб этилмаган интеллектнинг ривожланиши меъёрга мос келади (27%),

3) жалб этилмаган интеллектнинг ривожланиши меъёرنинг паст чегарасига мос келади, лекин доимий эмаслиги билан характерланади: аниқ пайтларда болалар интеллектнинг меъёрдан пастлигини кўрсатиши мумкин. Фоиз ҳисобида энг кўп гуруҳ – 63%.

Дж. Равеннинг (М.А.Фотекова) рангли илғор матритсанинг болалар варианты ёрдамида аниқ - образли фикрлашнинг хусусиятларини ўрганишда топилган эди, вазифаларни муваффақиятли бажариш бўйича кичик ёшдаги болалар жамоаси хилма - хил ва ҳар хил гуруҳлар билан кўрсатилган. Аниқ вазифаларни бажариш натижаларига кўра кўпроқ муваффақиятли гуруҳ нутқ патологияси кўпол бўлмаганлиги билан характерланади (овоз талаффуз қилишдаги камчиликлар ва грамматик қурилмага эгалик қилишнинг бўшлиги). НТР ли 37% га яқин болалар паст даражани кўрсатдилар. Нутқ мактабларининг 7% болаларигина меъёрда ривожланаётган тенгдошларига ўхшаб, билиш фаолиятларининг хусусиятлари билан кўрсаткичларга яқинлашадилар.

В.А.Ковшиков, Ю.А.Елкин, мотор алалияли болаларнинг тафаккурини тадқиқ қилар экан, бир нечта тушунчаларни чегаралаб қўйдилар: билим – борлиқни билишда ўтган замон тажрибаси натижаларида шаклланган мажмуавий тўплам (образлар, тасаввурлар, тушунча), қайсики, фикрлаш операциялари учун манба бўлиб хизмат қилади; психик фаолиятнинг ўз - ўзини ташкил қилиши – билиш фаолиятини ва уни бошқаришни фаоллаштиришга қаратилган яхлитлик бўлиб, тафаккур жараёнини оқиши ва муаммоли вазиятларни ҳал қилиб бериши учун керакли шароит яратиб беради; шахсий тафаккур - муаммоли вазиятларни ҳал қилишга йўналтирилган жараён.

Тадқиқот жараёнида қуйидаги натижалар олинди: нутқи ривожланмаган болаларда билимидаги камчиликлар тафаккур жараёни ва натижаларига ва ўз - ўзини ташкил қилишнинг бузилишига кўпроқ таъсир қилади. Уларда атрофдагилар тўғрисида етарли ҳажмда маълумотлар бўлмайди, борлиқдаги предметларнинг хусусиятлари ва функциялари ҳақида, ҳодисаларнинг сабаб-тергов алоқаларини ўрнатишда қийинчиликлар туғилади. Ўз - ўзини ташкил

қилишнинг бузилишида ҳиссиётли-ирода ва мотив доирасидаги камчиликлар сабаб бўлади ва психожисмоний тормозланиш камдан-кам тўхтаб қолиши ва вазифага қизиқишнинг йўқлиги намоён бўлади. Болалар, кўпинча, сиз таклиф қилган муаммоли вазиятга узоқ вақт қўшилмайдилар, ёки аксинча жуда тез вазифани бажаришга киришиб кетадилар, лекин бунда вазифанинг ҳамма хусусиятларини ҳисобга олмасдан муаммоли вазиятни юзаки баҳолашади. Бошқалар вазифани бажаришга киришадилар, лекин унга қизиқишлари тез йўқолади, хатто вазифа тўғри бажарилаётган бўлса ҳам, ишни тугатмасдан ишлашдан бош тортадилар. Бунда нутқи ривожланмаган болаларда фикрлаш операцияларини тўғри амалга ошириш шароити қандайдая кўра, сақлангани ўз - ўзини ташкил қилишни тартибга солиш ва билим заҳираларини кенгайтирилганлиги очиб кўрсатилади.

Уларнинг ёшига мос бўлган фикрлаш операцияларининг ривожланиши учун тўлиқ маънода дастлабки шартларни қўлга киритиб, болалар, аниқ образли фикрлашнинг ривожланишида орқада қоладилар, махсус ўқитиш жараёнисиз таҳлилни, тозалашни, солиштиришни, туркумлашни, ортиқча тушунчанинг йўқлиги ва қиёсий натижа чиқаришни қийинлик билан амалга оширадилар. Нутқи ривожланмаган болаларда аниқ образли фикрлашнинг камчиликлари фақат иккиламчи эмас, балки бирламчи характерга эга бўлиши мумкин, бу шароитда улар бош мия пўстлоғининг тепагардан қисмининг етарли эмаслиги шарт қилинади. Нутқ нуқсони оғир ифодаланган даражадаги кўпчилик ҳолларда нутқ ривожланмаганида аниқ - образли фикрлашнинг шаклланмаганлиги билан боғланган (Т.А.Фотекова). Нутқи тўлиқ ривожланмаган кўп болалар учун фикрлашнинг ригидлиги хос бўлади. (Л.И.Белякова, Ю.Ф.Гаргуша, О.Н.Усанова, Э.Л.Фигередо).

Нутқ мактаблари болаларининг фикрлаш нутқини тадқиқ қилинганида (И.Т.Власенко) қуйидаги хусусиятлар, шахсий нутқнинг бузилиши билан эмас, балки ўзининг психологик механизмига кўра нутқ ривожланмаслигининг тизими билан бирламчи боғланганлиги топилди. Предмет образи билан сўзнинг ички режадаги нутқ фикрлашини ўрнатиш бу болаларда нутқ кўринишларининг фикрлаш бўлимига ўтиши ёки аксинча, ички нутқ механизмининг шаклланганлигини етишмаслигидан бузилади (масалан, билвосита эсда қолиш).

Меъёрда ривожланаётган соғ болаларда фараз қилишни тадқиқот қилишга бағишланган манбаларда, фараз қилиш билан нутқнинг узвий боғлиқлиги таъкидланади. Л.С.Виготский: «Фараз қилишнинг ривожланишини кузатиш бу функциянинг нутқ ривожланишига боғлиқлигини кўрсатди – деб ёзган. – Нутқ ривожланишининг тўхтаб қолиши фараз қилишнинг ҳам тўхтаб қолишини бошлайди».

В.П.Глуховнинг тадқиқоти нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларда фараз қилишнинг хусусиятлари ҳақида хулоса қилишга имкон беради. Бу турдаги болалар фараз қилишнинг самарали фаолияти босқичида меъёрда ривожланаётган тенгдошларидан орқада қолишади. Синаш учун берилган геометрик фигураларнинг расмини тайёрлашда ва вазифаларни бажаришнинг охирида нутқида патологияси бор болаларга нисбатан, нутқи меъёрда соғ

болалар ўртача 5 та намуна кўп расм яратишди. НТР ли болаларда яқин атрофдаги нарсалардан намуна кўчирилиб 2,5 барабар кўп расмлар белгиланди, уларда шахсий расмларининг қайтарилиши кўпроқ қайд қилинди ва топшириққа айнан бўлмаган расмлар ҳам бор. Нутқида патологияси бор болалар учун бир хиллик ва штампланган нусха кўчириш хос, уларнинг ишга киришиб кетиши учун анча кўп вақт керак бўлади, бу жараёнда танаффусларнинг узоқ чўзилиб кетиши белгиланади, фаолиятни кучдан қолиши кузатилади.

Нутқи ривожланмаган болаларнинг бажарган расмлари бўйича жавобларида, тасвирланган нарсаларнинг қисқа-қисқа, оддий номланишига олиб келади ёки бўлмаса калта гап кўринишини олади. Нутқи ривожланмаган болаларда (луғат бойлиги камбағал, ибора нутқининг шаклланмаганлиги, аграмматизмлар ва б.) ижодий фараз қилишнинг орқада қолиши билан болаларнинг оғзаки ижоди учун жиддий тўсиқлар яратади.

Новербал ақлнинг идрок ҳолатига кўра (О.Н.Усанова, Т.Н.Синякова) НТРли болаларни уч гуруҳга бўлиш мумкин :

- нутқи меъёрдан бирмунча фаркланадиган болалар;

Бунда ақл идрок узига хослиги нутқий кийинчиликларга боглик эмас ва уларга эмасдур. Муаллифлар маълумотига кура , бу гуруҳ барча НТРли болаларнинг 9% ини ташкил килади – меъёрга тўғри келади (27%);

- меъёрнинг куйи чегарасига тўғри келади, бироқ нотурғунлиги билан тавсифланади (муайян пайтларида улар меъёрдан куйи ақл-идрок ҳолатини кўрсатиш мумкин). Биз фоизга кўра энг кўп сонли гуруҳ (63%) .

Ёшига яраша бўлган фикрлаш жараёнларини ривожлантириш учун тўла даражада асосга эга бўлиб, болалар бироқ, кўрғазмали тасаввурли фикрлаш ривожланиши орқада қолади, махсус таълимсиз таҳлил, синтез, солиштириш, таснифлаш, ортиқча тушунчани чиқариб ташлаш ва ўхшашлик бўйича хулоса қилишни кийинчилик билан эгаллайди. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалардаги кўрғазмали – тасаввурли фикрлаш камчиликлари нафақат иккиламчи, балки бирламчи хусусиятига улар бош мия қобиғи тепа-энса қисмлардаги камчилик билан шартланган. Нутқ тўлиқ ривожланганлигида кўрғазмали-тасаввурли фикрларни шаклланганлиги кўп ҳолда ифодаланганлиги даражасига кўра нутқ нуқсони оғирлиги билан боғланган (Т.А. Фотекова). НТРли кўпгина болалар учун шунингдек фикрлаш ригидлиги хос, (Л.Н. Белякова, Ю.Ф. Гаркуша, О.Н. Усанова, Э.Л.Фигередо).

Л.С. Виготский таъкидлаганки, тушунчаларнинг ортиқ даражада бўлиниши ҳамда умумийлик меъёри бузилади, сўз маъносидаги мавхумлик ва аниқлиги биринчи йўқолиши содир бўлади. Сўз маъноси ортида турган беихтиёр тафаккур жараёнларининг билиш ва хусусан тафаккур фаолиятида ихтиёрий равишда кечадиган таҳлил қилиш ва синтез билан богликлиги бежиз эмас. Тафаккур қанчалик тўлиқ ривожланган бўлса, шунчалик сўз маъноси тўлиқдир, яъни тафаккур жараёнлари, сўз маъноси ортида туриб, шахсий фикрлаш даражасида кечадиган анализ ва синтез билан боғланган.

И.Т.Власенко афазия билан касалланган беморларда сўз маъноси тузилишини таҳлил қилган. Турли хил вербал парафазияларнинг (сўзли

алмашинувлар) нутқни фикрлаш бузилиши даражалари билан ўзаро тўғри келиши логопадларда – афазикларда хали етарли ўрганилмаган. Вербал парафазиклар белгиловчи ва умумлаштирувчи сўз вазифалари қийинчиликларини киритган ҳолда сўз маъноларини долзарблаштириш қийинчиликлари туфайли юзага келади.

Мотор афазияли беморларда предмет номи вазифаси унча орқада эмас, ёки сақланган. Янада юқори тартибдаги парафазия устунлиги аниқланади. (тушунча – тоифа борасида). Вербал парафазия – бу табиий модел, унда сўз маъновий тузилиши ўзгаришининг турли хил даражаси кузатилади. Бош маънони белгини танлашда тизимли нутқий тафаккур жараёнларининг бузилиши изланадиган сўз маъносининг торайишига олиб келади.

Нутқ фикрлаш фаолият механизми сифатидаги бундай жараёнлар хусусиятига нутқий фикрлашнинг муайян тури – умумлашган ёки аниқ – ҳодисавий тури тўғри келади. Сўз маъноси тизими ва нутқ паталогияси тизимларининг мана шундай ўзаро шартланган ўзгариши, меъёрлар каби, тафаккур ва нутқ бирлигини асосли равишда акс этади.

Назорат саволлари:

1. Тафаккур тушунчасининг мазмунини изоҳланг.
2. Тафаккур операсияларини ажратиб кўрсатинг.
3. Тафаккур шакллари нималарда кўринади?
4. Тафаккур сифатларининг мазмунини изоҳланг.
5. Тафаккурнинг турларининг моҳиятини изоҳланг.
6. Тафаккурдаги индивидуал фарқлар нималарда кўринади?
7. Нутқида камчилиги бўлган болалар тафаккур текшириш режасини нимадан иборат?
8. Нутқида камчилиги бўлган болалар нутқини текшириш режасини тузиш ва текшириш нимадан иборат?
9. Нутқида камчилиги бўлган болалар тафаккур ва нутқини текшириш методикалари нимаси билан ўхшаш?

Асосий адабиётлар:

1. Муминова Л.Р., Аюпова М.Ю. Логопедия. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
2. Аюпова М.Ю. Логопедия. –Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. 2007 й.
3. Муминова Л.Р., Амирсайдова Ш., Абидова Н ва бошқалар. Махсус психология. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013.

Қўшимча адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги нутқ // Халқ сўзи. 2017 йил 16 январ, № 11.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016.

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

5. Колесникова Г.И., Кабарухина И.А. Специальная психология и педагогика. Ростов на - Дону. 2007.

6. Специальная психология. Под. ред. Лубовского В.И. Учебное пособие. – М.: 2005.

7. Косякова О.О. Логопсихология. –М.: Феникс, 2007.

8. Трошин О.В, Жулина Е.В. Логопсихология. –М.: Владос, 2005.

9. Калягин В.А., Овчинникова Т.С. Логопсихология –М.: Академия, 2006.

7-мавзу: Нутқида камчилиги бўлган болалар билан олиб бориладиган психокоррекцион ишлар

Режа:

1. Коррекцион ишларнинг асосий йўналишлари.
2. Психологик коррекция тамойиллари.
3. Психологик коррекциянинг моделлари.

1. Коррекцион ишнинг асосий йўналишлари

Коррекция – тўғирлаш, юмшатиш, ҳаётга мослаштириш, ҳаётда ўз ўринларини топишига кўмаклашиш.

Адаптация – ташқи шароитларга мослашиш бўлиб, бунинг ўзи анализаторларнинг ўзгаришларни сезиш билан боғлиқ физиологик адаптация ва янги гуруҳлардаги янги фаолият турига мослашишдаги психологик адаптацияларга ажратилади.

Компенция – зарарланган, ишдан чиққан бир аъзо функциясини бошқа аъзонинг қисман бошқариши, тўлдириш тушунилади.

Бундай болалар билан ўтказиладиган коррекцион иш, биринчи навбатда ҳиссиёт ва иродаларни шакллантириш, атрофдагиларга ижобий хулқли муносабатни ривожлантиришга қаратилади.

Нутқида камчилиги бўлган даги ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққатдан пастдир. Бунинг сабаби, ички тормозланишнинг заифлиги ва ташқи тормозланишнинг яққол кўзга ташланишидир. Қийин бошқариладиган ташқи тормозланиш нутқида камчилиги бўлган да диққатнинг турғунсизлигига олиб келади. Нутқида камчилиги бўлган даги диққатнинг тақсимланиши, ўтишининг қийинлиги тормозланиш ва кўзғалиш жараёнларининг мўртлиги асосида юз беради. Нутқида камчилиги бўлган болалардиққатини тарбиялаб боришда уларнинг олий асаб фаолиятининг типларини эътиборга олиш даркор.

Нутқида камчилиги бўлган болаларбилан олиб бориладиган психокоррекцион тадбирлар ривожланишдаги оғишларни тўғрилашга йўналтирилган.



Коррекция мақсадларни қўйиш соҳасида ушбу асосий йўналиш фарқланади:

1. Ривожланишнинг ижтимоий ҳолатини оптималлаштириш.
2. Боланинг етакчи фаолият турларини ривожлантириш.
3. Ишга доир психологик ҳосилаларни шакллантириш.

Чет эл психологиясида бола ривожланишидаги қийинчиликлар шахснинг ички структураси бузилганда (З.Фрейд, М.Клайн ва ҳ.к.) ёки муҳит бузилганлигида, ёки иккала сабаб бирлашганда юзага келади, деб ҳисоблашади. Коррекция ишнинг техникаси ва усулларининг танланиши унинг мақсадлари билан белгиланади. Мақсадларни конкретлаштиришда қуйидаги қоидаларни ҳисобга олиш лозим:

1. Коррекция мақсадлари ижобий шаклда тузилиши керак. Мақсадлар инкор сўзлари билан тузилмаслиги шарт, уларнинг таъқиқловчи ҳарактерга эга бўлиши нутқида камчилиги бўлганнинг ривожланиш имкониятларини, ташаббусларини чегаралаб қўйиши мумкин.

Нутқида камчилиги бўлган болалар билан олиб бориладиган **психологик коррекция дастурларини** тузишда қуйидаги **асосий тамойилларга** таяниш зарур:

1. Коррекция, профилактик ва ривожлантирувчи масалалар тизимлилиги тамойили
2. Коррекция ва психологик диагностиканинг бирлиги тамойили
3. Каузал кўринишдаги коррекциянинг устиворлиги тамойили
4. Коррекциянинг фаолиятга доирлиги тамойили
5. Нутқида камчилиги бўлганнинг ёшга доир психологик ва индивидуал хусусиятларини инобатга олиш тамойили
6. Психологик таъсир кўрсатиш методларининг комплекслилиги тамойили
7. Коррекцияга нутқида камчилиги бўлганнинг ижтимоий муқитидаги яқин кишиларни жалб этиш тамойили
8. Психик жараёнлар тузилмасининг турли даражаларига таяниш тамойили
9. Дастурлаштирилган таълим бериш тамойили
10. Мураккабликка тадрижий ўтиш тамойили
11. Берилаётган материалнинг қажми ва мураккаблик даражасини ҳисобга олиш тамойили
12. Материалнинг эмоционал мураккаблиги инобатга олиш тамойили.

Коррекцион, профилактик ва ривожлантирувчи масалалар тизимлилиги тамойили ҳар қандай коррекцион ишда 3 кўринишдаги масала мавжудлигини таъкидлайди, яъни 1) коррекцион, 2) профилактик ва 3) ривожлантирувчи. Бунда бола шахсининг ҳар томонлама ривожланишидаги боқлиқлик ва нотекислик борлигини англатади. Тушунарлироқ айтадиган бўлсак, ҳар қайси бола ривожланишнинг турли босқичларида бўлади, яъни: жуда юқори поғона - ривожланиш меъёрида, паст поғона - ривожланишда психик қийинчиликлар борлигини англатади. Бунда нотекис ривожланиш қонуниятини келиб чиқади. Шахсга доир тараққиётнинг айрим жиқатларини сустлашуви нутқ камчилигига эга бола интеллекти ривожини ортда қолиши ёки бошқа қийинчиликларни келтириб чиқаради. Масалан: билиш ва ўқиш мотивларининг суст ривожланганлигини пировард натижасида боладаги мантиқий операционал интеллект ортда қолади. Шунинг учун коррекцион ривожлантирувчи дастурлар масала ва мақсадини аниқлаганда ҳозирги кундаги долзарб муаммолар билан чекланмай ривожланишнинг яқин прогнозларидан ҳам фойдаланиш керак.

Нутқ камчилигига эга бола билан ўтказиладиган ҳар қандай психологик таъсир фақатгина ортда қолган босқични коррекция қилишгагина қаратилган бўлмай, ортда қолишни олдини олишга, уйғун ривожланишга йўл очишга қаратилган бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, коррекцион ривожлантирувчи дастур 3 та вазифани бажариши лозим:

Коррекцион бузилиш ва ортда қолишни тузатиш.

Профилактик - бузилиш ва ортда қолишни олдиндан аниқлаш.

Ривожлантирувчи - тараққиёт мазмунини бойитиш, оптималлаштиришга қаратилганлик. Шу 3 та дастурларнинг биргаликда олиб борилиши кутилган натижаларни бериши мумкин.

2. Психологик коррекция тамойиллари

Коррекция ва психологик диагностиканинг бирлиги тамойили амалий дефектолог иши сифатидаги нутқида камчилиги бўлган ни ривожлантириш ва унга психологик ёрдам бериш алоҳида, яхлит жараён эканини акс эттиради.

Каузал кўринишдаги коррекциянинг устиворлиги тамойили коррекциянинг икки тоифаси фарқланади: симптоматик ва каузал. Симптоматик коррекция мазкур тараққиёт қийинчиликларининг ташқи аломатларини бартараф этишга қаратилса, каузал тоифадаги коррекция мазкур муаммоларни вужудга келтираётган сабабларни йўқ қилишга қаратилади. Иккинчи тоифадаги коррекция ўз устиворлигини йўқотмаслиги лозим.

Коррекциянинг фаолиятга доирлиги тамойили нинг назарий асослари А.Н.Леонтев, Д.Б.Ельконин асарларида ишлаб чиқилган. Унинг диққат марказида боланинг психик тараққиётида фаолиятнинг алоҳида ўрни мавжудлиги туради.

Нутқида камчилиги бўлган нинг психологик ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш тамойилини нутқида камчилиги бўлган нинг психик ва шахс ривожланишининг меъёртив тараққиётига ижобий таъсир этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Нутқида камчилиги бўлган болалархусусиятларини ҳисобга олиш, уни ўз йўлини ўзи белгилашига йўл очади.

Коррекцияга нутқида камчилиги бўлган нинг ижтимоий муқотидаги яқин кишиларни жалб этиш тамойили нутқида камчилиги бўлган нинг психик тараққиёти унинг атрофидагиларнинг роли билан белгиланиши мумкинлигини э'тироф этади. Бола ўз ёнидаги катталар билан алоқадор ҳолда, биргаликдаги фаолияти орқали баҳоланади. Зотан бола теварак-атрофдагилардан ажралган ҳолда эмас, балки улар билан биргаликда ривожланади.

Нутқида камчилиги бўлган болалартўғри ташкил этилган коррекция ишлари натижасида жамиятга интегратсия муҳитида ҳар бир бола таълим жараёнига қаратилган салоҳияти педагоглар томонидан мунтазам кузатув остидадир. Бу билан бирга ҳар бир бола таълим жараёнига тўғридан-тўғри жалб этилади. Бу жараён синфда келиб чиқиш имкон даражасидан қатъий назар жамоа сифатида болаларнинг таълимга бўлган маъсулиятини оширади. Ҳар бир бола педагог ижтимоий, илмий, маданий таълим

Дастурлаштирилган таълим бериш тамойилига кўра, аввал дефектолог билан биргаликда, кейинчалик мустақил равишда бажариш орқали зарурий малакаларни шакллантирувчи бир қатор изчил муолажалардан иборат дастурлар яхши самара беради.

Мураккабликка тадрижий ўтиш тамойилида коррекцион ишлар тадрижийлиги назарда тутилган. Мазкур тамойил нутқида камчилиги бўлган нинг ўзи бажараётган ишидан завқлана олишига ва коррекцион ишга унинг қизиқишини орттиришга ёрдам беради.

Берилаётган материалнинг қажми ва мураккаблилик даражасини ҳисобга олиш тамойилида коррекцион дастурни амалга оширишда яъни материалнинг янги қажмини беришдан олдин у ёки бу кўникма ва малакаларни нисбатан шаклланганлигига э'тибор бериш лозим.

Материалнинг эмоционал мураккаблиги инобатга олиш тамойилига кўра ўтказилаётган ўйинлар, машқулотлар, таклиф этилаётган материал яхши эмоционал фонни вужудга келишига ёрдам бериши керак. Коррекцион машқлар ижобий эмоционал фон билан якун топиши мақсадга мувофиқдир.

3. Психологик коррекциянинг моделлари

Нутқида камчилиги бўлган га коррекцион таъсир этишдан аввал аниқ коррекцион таъсир этиш моделини тузиш лозим. Улар қуйидагилар: умумий, типик(одатий), индивидуал.

Коррекциянинг умумий модели - бу қар бир шахс тараққиёти бир бутун олинган шартлар тармоқидир, дейди. У инсоннинг теварак-атроф, уни ўраб турувчи дунё қақидаги фаразларини чуқурроқ, қаққоний, кенгроқ бўлишига, инсонлар қақида, улар орасидаги муносабат, жамиятдаги ўзгаришлар, уларнинг фаолиятларини анализ қила олиш, кузата олишига шароит яратади. Коррекциянинг бу моделида нутқида камчилиги бўлган нинг соғлиқи, машқулотнинг вақти аниқ белгилаб олинади.

Коррекциянинг типик (одатий) модели - амалий қаракатларни уюштиришнинг турли негизларига асосланади; қаракатларнинг турли компонентларини ўзлаштиришга ва турли қаракатларни тадрижий равишда шакллантиришга қаратилган.

Коррекциянинг индивидуал формаси ўз ичига нутқида камчилиги бўлган нинг ўзига хос бўлган индивидуал томонларини ҳисобга олади - унинг қизиқишлари, психик тараққиёти, ўргана олиш қобилиятлари каби.

Нутқида камчилиги бўлган болаларбилан коррекцион ишларни олиб боришда стандартлаштирилган ва эркин коррекцион дастурлардан фойдаланиш мумкин:

1) Стандартлаштирилган дастурда коррекциянинг қар бир босқичида материаллар, қатнашчиларга қўйиладиган талаблар аниқ белгиланган бўлади.. Коррекцион ишни бошлашдан аввал дефектолог материал берилишида нутқида камчилиги бўлган нинг кучи ва идрокини ҳисобга олган бўлиши керак.

2) Эркин дастур - бунда дефектолог дастурни ўзи тузади.



Мақсад ва вазифаларининг босқичларини, бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишини ўзи белгилайди. Марказлаштирилган таъсир комплекс психокоррекцион блоклардан иборат. Ҳар бир блок аниқ метод ва усуллардан ташкил топган.

Булар:

1. Диагностик блок. Мақсади: шахс ривожланишининг дифференциал диагностикаси, ҳавфли факторларни аниқлаш, психокоррекцион дастурларнинг умумий шакли.

2. Белгиловчи блок. Мақсад: ўзига бўлган ишончни, мулоқотга киришишга иштиёқни уйқотиш, кўрқувни камайтириш ва ўз қаётига ўзгаришлар киритишга хоқиш уйқотиш.

3. Коррекцион блок. Мақсад: Нутқида камчилиги бўлган болалартараққиётини оптималлаштириш ва гармонизасиялаш, салбий тараққиёт фазасидан ижобийсига ўтиш, ўзи ва дунё билан қамоқанг фаолият ўрната олишга ўрганиш.

4. Коррекцион таъсирнинг эффективлигини баҳоловчи блок. Мақсад: реакцияларнинг динамикаси ва психологик мазмунига баҳо бера олиш ўз-ўзига берган баҳони барқарорлаштириш.

Психокоррекцион дастурларни тузишда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш зарур:

- коррекцион ишнинг аниқ мақсадини белгилаш;
- коррекцион ишнинг мақсадини конкретлаштиришга ёрдам берадиган вазифаларни аниқлаш;
- ишни ўтказиш тактика ва стратегиясини танлаш (индивидуал, гуруҳ ёки аралаш);
- методика ва техникани ишлаб чиқиш;
- коррекцион ишга кетадиган умумий вақтни аниқлаш;
- учрашув кунларини белгилаб олиш;
- вақтини аниқлаш (бошида 10-15 минут, охирида 1,5-2 соат);
- коррекцион дастурни ишлаб чиқиш ва мазмун моқиятини белгилаб олиш;
- коррекцион ишда яқин қариндошлар қатнашувини та'минлаш;
- коррекцион дастурни бошлашда динамика ва ўзгартиришлар бўлиши ёки бўлмаслигини белгилаш.

Коррекцион тадбир сўнгида коррекцион дастурнинг самаралилиги, мақсад ва вазифаларининг бажарилганлигига баҳо берувчи хулоса ҳисобот тайёрланади.

Психокоррекцион тадбирларнинг самаралилигини баҳолаш қуйидаги мезон бўйича аниқланади:

А) ривожланишдаги қийинчиликнинг ечилиши, барҳам топиши.

Б) мақсад ва вазифаларнинг белгиланиши, коррекцион эффективлиги узоқ муддатдан сўнг, иш охирида аниқланади.

Коррекцион дастур муаммонинг бутунлай қал бўлишини олдига мақсад қилиб қўймайди, балки самарали иш олиб боришда муаммоларнинг йўқолиши ва ечилишига қар томондан баҳо берилаётганига қам қаралади.

Масалан: Нутқида камчилиги бўлган болаларучун дастурда иштирок этаётган вақтда унинг эмоционал ҳолатининг яхшиланиши, ижобий қис қилиши билан белгиланади.

Дефектолог учун коррекцион дастур ташкил этилиши, мажбуриятни қис этиши олдига қўйилган вазифани бажарилиши билан аниқланади.

Нутқида камчилиги бўлган нинг яқинлари учун эса, нутқида камчилиги бўлган да пайдо бўлган муаммонинг қай тарзда ижобий ҳал этилганлиги билан аниқланади. Коррекцион дастурларнинг ижобий таъсир доираси унинг интенсивлигидадир.

Коррекцион машкулотлар 1-1,5 соатдан ошмаслиги, олиб борилаётган ўйиннинг ма'но жиқатдан ўйланганлиги билан қам боқлиқ. Машкулотлар тугагандан кейин қам иложи бориша нутқида камчилиги бўлган нинг тараққий этиши билан қизиқиб бориш мулоқотни йўқотмаслик 1,2 ойда 1 маротаба учраши лозим.

Коррекцион дастурлар қанча эрта аниқланиб иш бошланса, шунча тез самара беради.

Психокоррекцион ёрдамнинг самаралилигига баҳо бериш борган сари долзарблашмоқда. Бу дефектологнинг таъсир эта олиши ва коррекцион ишнинг сифатлилигидандир.

Ишнинг самаралилигини баҳолашда аниқ методни белгилаб олиш зарур. Коррекцион ишда ма'лум бир методни олдиндан танлаш қийин, чунки иш фаолиятида дефектологлар турли методлардан фойдаланадилар.

Хатто бир метод ҳар хил мутахассисда турлича натижа беради.

Ишнинг баҳосини бу методдан хабари бўлмаган эксперт бериши зарур.

Дефектологнинг тарбиявий-таълимий сифатини ҳисобга олиш керак.

Дефектологнинг касбига бўлган қизиқишини ҳисобга олиш зарур.

Гуруҳий коррекцион ишда дефектологнинг профессионал бўлиши катта ақамиятга эга.

Психокоррекцион ишларда Нутқида камчилиги бўлган болаларпсихологик таъсиридан сўнг қуйидагиларга қараб баҳоланади:

- ички кечинмаларнинг суб'ектив моқиятининг ўзгарганлиги.

- таъсир этгандан сўнг нутқида камчилиги бўлган нинг ижобий томонга ўзгариши.

- психологик таъсир самарасини белгилашда психофизиологик методлардан фойдаланиш мумкин. улар инсоннинг вегетатив-соматик физиологик ва психик функцияларини баҳолайди.

Назорат саволлари:

1. Коррекцион машғулотнинг мақсадини айтинг.
2. Коррекцион йўналтириш машғулотининг вазифаларини изоҳланг.
3. Коррекцион машғулотида қандай иш усуллари ва воситаларидан фойдаланилади?
4. “Компенция” сўзининг луғавий маъноси нима?

Асосий адабиётлар:

1. Муминова Л.Р., Аюпова М.Ю. Логопедия. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
2. Аюпова М.Ю. Логопедия. –Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. 2007 й.
3. Муминова Л.Р., Амирсайдова Ш., Абидова Н ва бошқалар. Махсус психология. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013.

Қўшимча адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги нутқ // Халқ сўзи. 2017 йил 16 январ, № 11.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. –Т.: Ўзбекистон, 2016.

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

5. Колесникова Г.И., Кабарухина И.А. Специальная психология и педагогика. Ростов на - Дону. 2007.

6. Специальная психология. Под. ред. Лубовского В.И. Учебное пособие. — М.: 2005.

7. Косякова О.О. Логопсихология. —М.: Феникс, 2007.

8. Трошин О.В, Жулина Е.В. Логопсихология. —М.: Владос, 2005.

9. Калягин В.А., Овчинникова Т.С. Логопсихология —М.: Академия, 2006.

8-мавзу. Нутқида бузилишлари бўлган болаларнинг шахс ва шахслараро муносабати хусусиятлари (2 соат)

Режа:

1. Шахс ҳақида тушунча.
2. Ўқиш ва ёзув камчиликларига эга бўлган болаларнинг шахс ва шахслараро муносабат хусусиятлари.
3. Дизартрияда шахс хусусиятлари.
4. Алалида шахс хусусиятлари.
5. Нутқнинг темп - ритм бузилишларида шахс хусусиятлари.
6. Системали нутқ бузулишларида шахс хусусиятлари.

1. Шахс ҳақида тушунча

Шахс ҳақида тариф беришганда, рус психологи С.Я. Рубинштейннинг фикрларига тўхталмоқ керак. Олимнинг таъкидлашича, одам ўзидаги такрорланмас хусусиятларга кўра индивидуалдир. Одам ўз атрофидагиларга, борлиққа бўлган онгли муносабати, унинг бирор бир фаолият билан шуғулланиши эса унинг шахс эканлигидан далолат беради. Шахс одамнинг атрофига бўлган муносабатларини ва ўз-ўзига бўлган муносабатини белгилайди. Одамнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатлари унинг дунё қарашида, ишончларида ва бошқаларга бўлган муносабатларида энг муҳими, унинг фаолиятида ифодаланади.

Демак, *шахс* — бу онгга эга бўлган, маълум ижтимоий- иқтисодий форматсида яшайдиган, маълум бир фаолият билан шуғулланадиган одам индивидир.

Шахс таркиб топиш узок, муддатли, мураккаб ва тарихий жараёндир.

Шахс хусусиятлари руҳий жараёнларининг кечишига таъсир этади. Шахснинг йўналганлиги, қизиқишлари ва бошқалар барча руҳий жараёнларига танланганлик табиатини касб этади. Шахс хусусиятлари атроф-муҳитни акс эттиришда ҳам аҳамиятга эга. Масалан, айрим одамлар атроф-муҳитни осон ва тез идрок этсалар, бошқалар эса атроф-муҳитни эшитув, ҳаракат ва бошқа анализаторлар ёрдамида идрок этадилар.

Руҳий жараёнларни кечиши ва шахснинг руҳий хислатлари ва ҳолатларига олий асаб тизимининг типологик ва темперамент хусусиятлари (ҳол ерик, сангвиник, флегматик, меланхолик) таъсир этади, шунингдек, бу хусусиятлар инсоннинг хулқ-атворида, одам фаолияти образида, хиссий-ирода

жараёнларининг ўзига хос хусусиятларида акс этади. Инсон олий асаб тизими фаолятининг типологик хусусиятлари бир бутун ҳолда номоён этиб, инсоннинг ўзига хос ички дунёсини ёки характерини ташкил этади.

Шахс ўзини англаш хусусиятларига эга. Катта ёшли одам атрофдаги ҳаётни билиш ва бўлаётган воқеа-ҳодисаларни баҳолаш билан чекланмай у ўзлигини англаб, ўз хулқини, режаларини, фаолятини баҳолайди. Шахс ўз фаолятини бошқариш хусусиятига эга.

Агар бола болалар жамоасида яшаса, унда ўз нуқсонини компенция қилиш мақсадида ўзидан кичик ёшдаги болалар билан мулоқат қилади ва улар ичида етакчи ролини ўйнайди. Шунингдек улар ўз нуқсонларини ўзлари бажара оладиган фаолият ҳисобига компенция қилишга ҳаракат қиладилар.

Бу гуруҳ болаларида хиссий-ирода соҳаларида ҳам камчиликлар кузатилади. Айрим беморларда бу камчиликлар руҳиятини емириши, тормозланганлик ҳолати, кўрқув, кайфиятининг тез-тсз ўзгариши кабиларда номоён бўлса, айримларда кўзгалувчанликни ортиши, асабийлашганлик, йиғлоқилик атрофдаги одамларга ва муҳимга нисбатан норозилик хислатларида акс этса, яна бошқаларда атрофдаги воқеа — ҳодисаларга ва одамларга бефарқлик, (*апатия*) иродасизлик каби хислатларда кўзга ташланади.

Бу барча камчиликларнинг асосини бош мия овоз аъзоларининг бузилишлари ташкил этади.

2. Ўқиш ва ёзув камчиликларига эга бўлган болаларнинг шахс ва шахслараро муносабат хусусиятлари

Кўпчилик тадқиқот ишлари ўқиш ва ёзув камчиликларини хулқ атвор меъёрлари билан боғлиқлигини алоҳида қайд этади. Бу боғлиқлик бола мактабга боргандан сўнг, яъни ўзи бажара олмайдиган вазифаларга дуч келгандан сўнг кўзга ташланади.

Кўпчилик педагоглар бу боланинг иш қобилятининг суствлиги, диққатининг тарқоқлиги, дарсда ўтира олмаслигидан шикоят қиладилар. Ўқиш ва ёзув нуқсонларига эга бўлган болалар камчиликларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Инволюсия (ўқишга қизиқишнинг йўқлиги, кўрқув, суствлик, ўз-ўзи билан бўлиш, асабийлик, тарбиясизлик, овқатланиш бузилиши, сийдик ушлай олмаслик);

2) Фаол компенция (кайсарлик, гапга кирмаслик, агрессивлик).

Бир неча фарзандли ота-оналар бундай фарзандларини бошқалари билан солиштириб, уларга нисбатан кўпол муносабатларда бўладилар, бу эса болаларнинг характерига салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, кўп ота-оналар фарзандларининг бундай камчиликларида педагогларни айблайдилар. Педагог эса бундай камчиликларни ота-оналарнинг болалар ўқишларига нисбатан бефарқлиги деб карайдилар. Бола секин аста мактаб талабларини бажармайди, дарсларни қолдиради ва унда салбий хулқ-атвор шаклланади. Агар болалар мактабни ташлаб кетсалар, улар ўз хошишлари билан ҳеч қачон китоб мутоола қилмайдилар ва бу ўз навбатида салбий оқибатлар келтириб чиқаради. Агар ўқувчи китоб кам ўқиса, унда унинг

кейинчалик ривожланиши, луғатини бойиши ва мустақил таълим олиш имкомиятлари чекланади.

Бу болаларнинг ички нутқи суст ривожланади, бу эса тафаккурнинг заифлашувиغا олиб келади.

3. Дизартрияда шахс хусусиятлари

Нуқсонли болалар ўз нуқсонини қай даражада эканлигини англаш ва унинг оқибатларини кўра билиш даражасига кўра изтироб чекадилар. Интеллекти ва моторикаси қўпол бузилган болалар кўпроқ ўз нуқсонларидан изтироб чекадилар.

Болани ўз кучига ишончсизлик туйғуси ва хулқидаги ўзгаришлар кўпроқ даражада *боланинг нуқсонига нисбатан* ота-оналар ва яқин қариндошларининг муносабатларига боғлиқ. Ота-оналар боланинг ўрнига барча ишларни бажаришга ҳаракат қиладилар ва бунинг оқибатида болада тобелик боқимандалик хислари уйғонади ва у ўзгалар ёрдамисиз бирор бир фаолиятни бажара олмайдилар. Бола ўз фаолиятига эҳтиёж сезмайди.

Айрим ҳолларда ота-оналарда, атрофдаги одамларда болаларга нисбатан негатив муносабатлар шаклланади.

Болалар серебрял фалажида нутқ нуқсонларининг даражаларига кўра соғлом тенгдошлари билан мулоқотга киришишлари мумкин. Бундай болаларни соғлом ака — укалари билан мулоқоти уларга ижобий таъсир этади. нуқсонли болалар камситиш, масхара қилишларга жуда таъсирчан бўладилар ва буларнинг барчаси уларнинг хулқларида салбий акс этиши мумкин.

4. Алалияда шахс хусусиятлари

Кўп ҳолларда алалиянинг оғир кўринишлари акли заифлик билан алмаштирилади, бунда нутқ билан биргаликда боланинг руҳий ривожланиши орқада қолади. Агар бундай нутқ нуқсони олигофрения билан биргаликда келса, боланинг мулоқотга киришиш фаоллиги етарлича ривожланмайди.

Ижтимоий муҳит боланинг нутқий ривожланишига салбий ёки ижобий таъсир этиши мумкин. Нотуғри тарбия кўп ҳолларда бола билан мулоқотга киришиш учун ҳаракатларининг зое кетишига сабаб бўлади.

Агар болани яқин кишилар тушунишга ҳаракат қилишмаса бола бунга асабийлашган ҳолда жавоб қилади ва бу айрим ҳолларда акли заифлик белгиларига ўхшаб кетади.

Агар боланинг яқинлари унинг барча истак-хохишларини сўзсиз бажаришса, нима демоқчи бўлганини кўзидан ўқигандек тушунсалар, бундай болада нутқий мулоқотга эҳтиёж қолмайди. Мотор алоқияли болалар хулқ атвори ўзига хос хусусиятларга эга:

- атродагилар билан мулоқотга киришишда яққол намоён бўлган қийинчиликлар, нотаниш вазиятларда тез-тез тормозланишлар, янгиликларга салбий муносабатда бўлиш. Шунингдек бола характерида паталогик сифатлар, асабийлик ҳолатлари ривожланиши тез хафа бўлиш ва кек сақлаш кузатилади.

- нутқий ривожланиши нутқий фаолликнинг етарли даражада эмаслиги сабабли орқада қолади.

Сенсор алоқияли болалар сингари психопатсимон белгилар хос эмас. Бундай болалар кўпчилик ҳолларда қизиқувчан, ўқувли, ишчан бўладилар. Бироқ кичик ёшдаги болаларда ва янги шароитга (болалар боғчаси, мактаб) мослашишнинг дастлабки босқичларида хулқ атвори ва хиссий-ирода соҳаларида қийинчиликлар кузатилиши мумкин (бир жойда ўтира олмаслик, кўзгалувчанлик ёки уятчанлик, тез тормозланиш, қайсарлик).

5. Нутқнинг темп - ритм бузилишларида шахс хусусиятлари

Одатда кичик ёшдаги болалар, агар дудукланиш жуда кучли бўлмаса ўз нуқсонларини англаб етмайдилар. Агар дудукланиш бирор бир ҳодисадан сўнг тўсатдан юз берса, бунда бола бу ҳолат ва нутқ мулоқотининг чегараланишида қаттиқ таъсирланади, тушкунликка тушади. Айрим ҳолларда бола бундай вазиятда умуман гапирмай кўяди ва дудукланишнинг биринчи белгиси *мутизм* бўлиши мумкин.

Бола ўз нуқсонини англагач, одамлардан узоқлашишга ва нутқий мулоқотдан қочишга ҳаракат қилади.

Дудукланишни даволашда ва иккиламчи нуқсонни олдини олишда атрофдагиларнинг муносабати катта роль ўйнайди. Ота-оналарнинг ўз фарзандларига дудукланиши пайдо бўлиш даврида муваффақиятли ёрдам беришлари ва унинг нутқий ривожланишига самарали тасир этиш ҳоллари камдан-кам кузатилади. Кўп ҳолларда ота-оналар бундай фарзандларига хаддан зиёт этиборли бўладилар. Айрим ота-оналар дудукланишга катта аҳамият бермай, боладаги нутқ, нуқсонини ўзлари бартараф этишга ҳаракат қиладилар масалн: - боланинг нутқдаги хатоларини болага кўрсатадилар ва туғри нутққа тақлид қилишни талаб этади. Бунинг оқибатида бола ўз нуқсонини янада чуқурроқ, англаб этади. Бола туғри гапиришга ҳаракат қилади. Бола қанчалик қийналса

дудукланиш шунча кучаяди. Дудукланувчи бола ўзининг диққатини нутқий нуқсонга қанчалик қаратса, уни нутқи шунчалик ёмонлашиб бораверади.

Айрим ота - оналар дудукланувчи фарзандлари билан худди беморларга бўлгандек муносабатда бўладилар. Улар болаларнинг кўнгилларига қарайдилар, ҳамдардлик билдирадилар. Бунда болаларда невроз ривожланиши мумкин. Бола дудукланиш унга турли имтиёзликлар яратганини тушунади ва бундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

Айрим болалар ўз нуқсонларини турли ҳаракатлар билан беркитишга ҳаракат қиладилар, лекин бу усул билан дудукланишни бартараф этиш мумкин эмас. Хатто нутқий нуқсон белгилари жуда кам даражада намоён бўлса ҳам, иккиламчи руҳий бузилишлар ортиб боради.

Дудукланишни келтириб чиқарувчи асосий асаб бузилиши - бу *логофобия*

Логофобия – нутқдан, мулоқотдан қўрқиш маъносини билдиради

Логофобия дудукланувчининг барча шахс хусусиятларига тасир этади ва унинг хулқида салбий ўзгаришларга сабаб бўлади. Логофобия бола руҳиятига

шу даражада каттиқ таъсир этадики, хатто дудукланиш бартараф этилгандан кейин ҳам ўз асоратларини қолдиради.

Болалар жамоасида дудукланувчи бола тенгдошлари томонидан масъхара қилинади, хатто улар бундай болаларни ўз жамоаларидан четга чиқариб қўядилар. Дудукланувчи бола мактабга келгач, ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлар ва мажбуриятларини ортиб боришига мослаша олмайдилар. Айрим ҳолларда мактаб маъмурияти, педагогларнинг каттиқ қўллиги туфайли дудукланиши кучайиши ёки «яширинча» дудукланиш яққол намоён бўлиши мумкин. Шунингдек, мактабда нутқий фаолиятга қўйиладиган талаблар ортиб боради (матнни ўқиш, саволларга жавоб бериш).

Дудукланувчи болани педагоглар ҳар доим ҳам тушунмайди ва шунга яраша муносабатда бўладилар, бу муносабатлар дудукланувчи ва синфдошлари ўртасидаги муносабатга ҳам салбий таъсир этади.

Дудукланувчи бундай вазиятларга турлича муносабатда бўлади. Кўп ҳолларда болалар билимлари нуқсонлари хисобига нотўғри баҳоланиши ва шунга ўхшаш сабабларга кўра ўқишга бўлган қизиқишларини йўқотадилар. Улар мактабни ёмон кўриб қоладилар, дарслардан қочадилар, синф жамоа ҳаётидан четда қоладилар, хулқида қўшимча камчиликлар кузатилади.

Айрим дудукланувчи болалар дарсни билмасликларини нутқий нуқсондан фойдаланиб беркитишга ҳаракат қиладилар. Агар педагог боланинг нутқий нуқсони ҳақида тушунчага эга бўлса, унда боланинг жавобини шоширмасдан кутиб туради, дудукланиш ҳолати ўтиб кетгандан сўнг у ўз фикрини баён этишга ва билимларини намоён этишга имкон яратади. Агар педагог бола нуқсони ҳақида тушунчага эга бўлмаса, унинг жим туришини дарсни тайёрламаганлик деб тушуниб, уни нотўғри баҳолаши мумкин. Дудукланувчи болаларга кек сақлаш, хафсираш, гумонсираш, ўзгаришларга ишончсизлик каби шахс хусусиятларида камчиликлар ва психомоторикада бузилишлар кузатилади. Дудукланишнинг гипперстеник шаклида болаларда асабийлашишнинг кучайиши, қўзғалувчанлик, хулқида гипперфаоллик кузатилади.

Невростениянинг гипостеник шаклига эга дудукланувчи болалар умумий ҳолсизлик, иш қобилиятининг сустлашганлиги ва логофобиялар билан таърифланади.

Тахилалияли болалар одатда ўз нуқсонларини англаб етадилар, шунингдек, уларнинг нутқий мулоқотга киришиш имконитлари чекланган. Бундай болаларга атрофдагиларнинг муносабатлари турличадир. Бу болалар тенгдошлари томонидан камситиладилар. Ота-оналарнинг ҳаддан ташқари қайғуришлари ва нутқига нисбатан талаблари унинг хулқидаги салбий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Бу болаларда тахқирланиш дудукланиш билан биргаликда кечиши кузатилади.

Таянч сўзлар:

Гипперстения - асабийлашувнинг ортиши, қўзғалувчанлик, хулқнинг гипперфаоллиги.

Гипостения - умумий ҳолсизлик ташаббускорликнинг пасайиши, уятчанлик, иш қобилиятининг сустлиги.

Логофобия - нутқдан, мулоқотдан қўрқиш.

6. Системали нутқ бузулишларида шахс хусусиятлари

Алалия – ҳомиладорлик ёки бола нутқининг илк ривожланиш даврида бош миё пўстлоғидаги нутқ зоналарининг органик жароҳатланиши натижасида нутқнинг ривожланмай қолиши.

Сенсор алалияли болалар билан мулоқотга киришиш қийин бўлади. Ҳулқ атвори ўзига хос хусусиятга эга (қўзғалувчан, характерлари импульсив, ўз нутқига танқидий қарамайдилар, билиш даражаси паст бўлади). Хикояни узоқ вақт тинглай олмайдилар, мазмунини тушунмаганликлари учун қизиқиш йўқолади ва тингламай қўядилар. Бундай болаларда тушунишнинг йўқлиги натижасида ўзларининг нутқлари ҳам бузилади. Узоқ хавотирланиш, бақириш, сакраш, ўйнаш, тақиллатиш ҳоллари кузатилади. Айрим вақтларда бундай болалар мулойим, уятчан, ўз камчиликларини маълум даражада англайдилар. Болалар мулоқот учун имо-ишоралар, жестлар, мимикалардан фойдаланадилар. Бундай болалар мусиқа тинглашни ёқтирадилар, тинчлик болаларни тинчлантиради, баланд оҳангда гапиришлар, бақириқлар болага салбий таъсир қилади.

Сенсор алалия болаларнинг айримлари махсус оғир нутқ камчиликларига эга болалар учун мўлжалланган мактабларда ёки ёрдамчи мактабларда логопед билан мунтазам шуғулланган ҳолда таълим оладилар.

Афазия – марказий, органик турга оид оғир нутқ бузилишлари қаторига киради. Бу кўпроқ катта ёшдаги кишилардаги бош миё қон айланишининг бузилиши оқибатида пайдо бўлади.

Афазия (грекча а-инкор этиш, прасис-нутқ) бош миёнинг жароҳотланиши натижасида рўй берадиган нутқнинг тўла ёки қисман йўқолиши.

Афазиянинг келиб чиқиш сабаблари яна бош миё травмалари, шишлар, бош миё инфекцион касалликлари бўлиши мумкин. Бу касаллик ўсмирларда, ёш кишиларда ҳам кузатилиши мумкин.

Болаларда бу касаллик камдан-кам учрайди. У ҳам бўлса, бош миё травмалари, шишлар ёки инфекцион касалликлар асоратида пайдо бўлади.

А.А.Лурия кўрсатишича бундай беморларда психик фаолият ва билиш жараёнлари бузилган бўлади. Ўзгалар нутқини тушуниш, оғзаки ва ёзма нутқ камчиликлари, ҳисоб малакалари бузилиши кузатилади. Инсулт ёки травмадан сўнг бошланғич даврда беморларнинг нутқи умуман тушунарсиз бўлади. Чунки уларнинг нутқи айрим товушлар, бўғинлар, сўз бирикмаларидан иборат бўлади. Бу камчиликлар асосан икки йўналиш, тиббий ёки логопедик йўналишлар асосида бартараф этилади. Лекин шу билан бирга бу даврда психологнинг фаолияти муҳим рол ўйнайди. Чунки бу бемор ўз нутқидан уялади, тушкунликка тушади, диққат, хотира, мантикий тафаккур, идрок, хиссий ирода соҳаларида камчиликлар кузатилади. Психолог бундай беморлар

билан кўпроқ суҳбатлар ўтказиши, тренинглар, рағбатлантириш ишлари олиб бориши керак.

Назорат саволлари:

1. Шахс тушунчанинг моҳиятини изоҳланг.
2. Индивид, шахс, индивидуаллик тушунчаларининг мазмунини асосланг.
3. Шахс фаоллиги тушунчаларининг моҳиятига нималардан иборат?
4. Шахс шаклланишига тасир этувчи омилларни аниқланг.
5. Шахснинг психологик тузилиш моделлари таҳлилини изоҳланг.
6. Нутқ нуқсонларида шахс ва шахслараро муносабатлар қандай намоён бўлади?
7. Нутқида нуқсони бўлган болаларнинг шахсий хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.
8. Нутқида нуқсони бўлган болаларни шахслараро муносабатга киришиш хусусиятларини ўрганиш бўйича қандай маълумотга эгасиз?

Асосий адабиётлар:

1. Муминова Л.Р., Аюпова М.Ю. Логопедия. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
2. Аюпова М.Ю. Логопедия. –Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. 2007 й.
3. Муминова Л.Р., Амирсaidова Ш., Абидова Н ва бошқалар. Махсус психология. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013.

Қўшимча адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги нутқ // Халқ сўзи. 2017 йил 16 январ, № 11.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. –Т.: Ўзбекистон, 2016.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
5. Колесникова Г.И., Кабарухина И.А. Специальная психология и педагогика. Ростов на - Дону. 2007.
6. Специальная психология. Под. ред. Лубовского В.И. Учебное пособие. – М.: 2005.
7. Косякова О.О. Логопсихология. –М.: Феникс, 2007.
8. Трошин О.В, Жулина Е.В. Логопсихология. –М.: Владос, 2005.
9. Калягин В.А., Овчинникова Т.С. Логопсихология –М.: Академия, 2006.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ	ЛОГОПСИХОЛОГИЯ КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ
----------------	--

**Амалий машғулотини олиб бориш технологияси
(2 соат)**

Машғулот шакли	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот
Амалиёт режаси	1. Логопсихология фанининг предмети, мақсади, вазифалари. 2. Логопсихологиянинг ривожланиш тарихи. 3. Логопсихологиянинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. 4. Нутқнинг ривожланиш босқичлари.
Ўқув машғулотининг мақсади: логопсихология курсининг предмети, мақсад ва вазифалари бўйича билимларни такомиллаштириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолият натижалари
Логопсихология фанининг предмети, мақсади, вазифаларининг моҳиятини тушунтириш.	Логопсихология фанининг предмети, мақсади, вазифаларининг моҳиятини тушунтириб бера оладилар.
Логопсихологиянинг ривожланиш тарихи ҳақида тушунча бериш	Логопсихологиянинг ривожланиш тарихини айтиб бера олади
Логопсихологиянинг бошқа фанлар билан алоқасини тушунтириш.	Логопсихологиянинг бошқа фанлар билан алоқасини тушунтира олади
Нутқнинг ривожланиш босқичлари ҳақида тушунча бериш	Нутқнинг ривожланиш босқичларини тушунтира олади
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска эксперт варақлари, графиклардан фойдаланиш
Ўқитиш методлари	Бумеранг (зиг-заг), баҳс- мунозара
Ўқитиш шакллари	Кичик гуруҳларда ишлаш, якка тартибда ишлаш
Ўқитиш шароити	Техник воситалар билан

	таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Тақдимот, оғзаки саволлар

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотни мавзуси, мақсади ва ўқув фаолият натижаларини эълон қилади. 1.2. Тингловчиларни машғулотдаги ўқув фаолиятни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (1-илова) 1.3. Кичик гуруҳларни шакллантиради ва мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. (2-илова).	Тинглайдилар ва дафтарга ёзиб борадилар Тинглайдилар. Топшириқлар билан танишадилар ва дафтарга ёзиб борадилар
2 -босқич Асосий бўлим. (70 мин)	2.1. Дастлабки гуруҳларни шакллантиради ва топшириқларни бажариш тартибини тушунтиради: 1-гуруҳ. Логопсихология фанининг предмети, мақсади, вазифалари. 2-гуруҳ. Логопсихологиянинг ривожланиш тарихи. 3-гуруҳ. Логопсихологиянинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. 4--гуруҳ. утқнинг ривожланиш босқичлари. 2.2. Топшириқ бўйича ўқув-дидактик материалларни тарқатади 2.3. Топшириқни бажариш бўйича маслаҳатлар беради. Кичик гуруҳлар фаолиятини назорат қилади	Кичик гуруҳларга ажраладилар. Топшириқ ишлайдилар: ўқув- дидактик материалларини танлаб олади, мазмунини ўқиб чиқади ва баҳс мунозара ўтказади.
	2.4. Кейинги кичик гуруҳларни шакллантиради ва топшириқ беради: Кичик гуруҳлар фаолиятини назорат қилади	Ҳар бир дастлабки кичик гуруҳ аъзолари кейинги кичик гуруҳ аъзоларига 1-чи топшириқ бўйича галма-гал бир-бирига ўргатади
	2.5 Тингловчиларни дастлабки кичик гуруҳга қайтаради ва топшириқ беради: 1. Биринчи топшириқ бўйича тақдимотга тайёрланиш; 2. Тақдимотни ташкил этади ва ўтказади	Тақдимот материалларни тайёрлайдилар ва презентацияни амалга оширади ҳамда саволларга жавоб беради

3-босқич. Якун ловчи (10 мин)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. 3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади, конспектларни текширади ва баҳоланади. 3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар беради.	Саволлар беради
--	---	-----------------

Баҳолаш мезони:

1.7-2,0 балл - «аъло».
1.4 -16 балл - «яхши».
1.1-1.3 балл - «қониқарли».
0- 1,0 балл - «қониқарсиз».

1-топшириқ

1-гурух. Логопсихология фанининг предмети, мақсади, вазифалари.
2-гурух. Логопсихологиянинг ривожланиш тарихи.
3-гурух. Логопсихологиянинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
4-гурух. уткнинг ривожланиш босқичлари.

“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ”



“Зиг-заг” методи
